*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 93 (5084).
26 АПРЕЛЬ 1983 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

**Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!**

**Совет Тинчлик программасини амалга оширайлик!**

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Миракбар Ходиев 25 йилдан бери 2-пойафзал фабрикасининг 2-цехида меҳнат қилиб келмоқда. У смена топшириқларини мунтазам 140-150 процентга етказиб адо этиш билан бирга ёш ишчиларни тарбиялашга ҳам вақт топади. Ҳозир корхонада бу илғор ишчининг ўнлаб шогирдлари меҳнат қиляпти. Миракбар Ходиев беш йиллик топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этганлиги учун учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан тақдирланган.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) М. Ходиевга цех бошлиғи И. Узоқов ва фабрика партия ташкилоти секретари Л. Дворцис «Ёшларнинг энг яхши мураббийси» вимпелини топширяпти.

Х. Мирзакаримов фотоси.

# Ю. В. АНДРОПОВНИНГ
## «Шпигель» (ГФР) журналига жавоблари

Ғарбий Германиянинг «Шпигель» журнали КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповга мурожаат этиб, бир қанча саволларга жавоб беришини, шунингдек суҳбатлашиш учун журнал ношири Р. Аугштайнни қабул этишни илтимос қилди. Илгари хабар қилинганидек, шу йилнинг 19 апрелида шундай суҳбат бўлиб ўтди.

Қуйида Ю. В. Андроповнинг жавоблари ва унинг Р. Аугштайн билан суҳбати эълон қилинади.

**Савол.** Европада ўртача олисликка учириладиган қуролга бағишланган Женева музокараларида ҳеч қандай силжиш бўлмаётганлиги яққол кўриниб турибди. Американинг «нуль варианти», яқин вақтдан буён эса «оралиқ варианти» деб аталган таклифлари Совет Иттифоқининг ўз ракеталари сонини Ғарбий Европадаги ўртача олисликка учириладиган ракеталар сонигача қадар қисқартиришдан иборат таклифига мос келмаяпти. Сизнинг фикрингизча шу тафовутларнинг моҳияти нимада ва Сиз муросага эришиш мумкин деб ҳисоблайсизми?

**Жавоб.** Европада ўртача олисликка учириладиган ядровий қуролларни чеклашга доир Женевадаги музокараларда муҳокама қилинаётган масалалар ҳал этилмай қолаётганлигидан ташвишланиш бизга тушунарлидир. Тўғрисини айтганда, бу музокаралар боши берк кўчага кириб қолди.

Хўш, ана шу музокаралар нима мақсадда бошланган эди? Совет томони музокаралар бошлашни таклиф этди ва шу районда СССР билан НАТО мамлакатларининг ўртача олисликка учириладиган мавжуд ядровий воситаларини қисқартиришга, ядровий қарама-қарши туриш даражасини ўзаро тубдан пасайтиришга эришишга азму қарор берган ҳолда шу музокараларни бошлади. АҚШнинг Женева музокараларидан мақсади НАТОнинг ҳозирдаёқ мавжуд бўлган жуда катта ядровий аслаҳахонасига қандай қилиб бўлмасин янги қудратли қурол-яроғларни қўшиб олишдан иборат эканлиги маълум бўлиб қолди, АҚШ фақат совет ракеталарини қисқартиришни истамоқда.

Кўриб турибсизки, Женевада бир-бирига зид икки йўл, айтишим мумкинки, принципиал хилма-хил икки ёндашув бир-бирига қарама-қарши турибди. Женевага қадар ҳам биз американликларнинг шундай йўлига дуч келган эдик. Маълумки, АҚШ СКЧ-2 шартномасини барбод этди, ривожланиб бораётган ёки муваффақиятли равишда якунланишига яқинлашиб қолган бир қанча музокаралардан ўзини олиб қочди. Шуни эслатиб ўтишим мумкинки, АҚШ ядро қуроли синовларини ёппасига ва батамом тақиқлаш тўғрисидаги, йўлдошларга қарши системалар ҳақидаги, оддий қурол-яроғлар етказиб бериш ва сотишни чеклаш тўғрисидаги, Ҳинд океанида ҳарбий фаолиятни чеклаш тўғрисидаги музокараларни тўхтатиб қўйди ва ҳанузгача уларни яна бошлашдан бўйин товлаб келмоқда. Бунга ядро қуроли ер ости синовларини чеклаш ҳақида ва тинч мақсадлардаги ядро портлатишлари тўғрисида Совет Иттифоқи билан тузилган ва Қўшма Штатлар шу пайтгача ратификация қилмаган шартномаларни илова қиламан. Буларнинг ҳаммаси гап нимада эканлигини ўз-ўзидан кўрсатиб турибди. Қолаверса, АҚШнинг ҳозирги маъмурияти Женева музокараларига ҳам зўрбазўр келганлиги маълум.

Биз учун аҳдлашувлар битимга эришиш масалаларини иккала томон учун мақбул тарзда келишиб олишни билдиради. Америка маъмурияти эса ўзини гўё халқаро муносабатларнинг кўп асрлик тарихи, битимлар ва шартномалар практикаси мавжуд эмасдек тутмоқда. Вашингтон аввал бошданоқ СССР учун номақбул «нуль варианти» деб сохта ном қўйилган ўз таклифини яқинда бир оз ўзгартирганлиги аҳволни ўзгартирмайди, АҚШ маъмурияти бошқа томоннинг қонуний манфаатларини ҳисобга олишни, ҳалол ўзаро мақбул битимга эришишни сира ҳам истамай, ўзининг аввалги бир томонлама позициясида қолмоқда. АҚШ ҳар гал ўз таклифларини олға сурганида, аввало, Совет Иттифоқининг хавфсизлигига зиён етказишга, таркиб топган кучлар мувозанатини ўз фойдасини кўзлаб бузишга интилмоқда ва бу унинг асосий мақсадидир.

Женева музокараларидаги муваффақиятсизликларнинг асосий сабаби мана шунда. Рейган маъмурияти бизнинг аниқ ва одилона таклифларимизга жавобан гоҳ «нуль варианти»ни, гоҳ «оралиқ нуль» вариантини олға сурмоқда. Униси ҳам, буниси ҳам нореал бўлиб, аҳдлашувнинг муваффақиятига асло ёрдам бермайди. Нима учун? Чунки улар бизни қуролсизлантириб, НАТОни эса яна ҳам кўпроқ қуроллантиришни истамоқдалар. Биз унга рози бўлмаймиз.

Кейинги вақтларда АҚШ ва НАТОдаги бошқа баъзи мамлакатларда совет томони «ён босмаяпти» деган гап-сўзлар эшитилмоқда. Хўш, биз қайси масалада ён беришимиз керак экан? Совет Иттифоқининг ўртача олисликка учириладиган мавжуд ракеталари ва Американинг Европага келтирилиши мўлжалланаётган шундай ракеталари бўйичагина тузиладиган битимга рози бўлишимизни биздан талаб қилмоқдалар. Американликлар ўртача олисликка учириладиган ядровий воситаларнинг бошқа турлари бўйича аҳдлашиб олишдан мутлақо бош тортмоқдалар. Улар бу ҳақда музокаралар олиб боришни истамаймиз, вассалом, демоқдалар.

Англия ва Франциянинг денгиз ва ердаги базаларда жойлашган ҳамда Совет Иттифоқига, бошқа социалистик мамлакатларга мўлжал олдирилган 400 дан кўпроқ ракеталаридаги портловчи ядровий қалпоқларни кўрмасликка олишимизни истамоқдалар. Американликлар, улардан кейин эса НАТОдаги бошқа мамлакатларнинг вакиллари ҳам инглиз ва француз ракеталарини «тийиб туриш» кучлари, деб атамоқдалар. Шундай деб фараз қилишга ҳам тайёрман. У ҳолда шундай савол туғилади: нима сабабдан Франция ва Англиянинг тийиб туришга бўлган ҳуқуқи эътироф этилади-ю, бизнинг тегишли тийиб туриш кучларимизни французлар ва инглизларда қанча бўлса худди шунча миқдорда эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилмоқдалар?

Франция билан Англиянинг ядро қуроллари қандайдир «мустақил статус»га эга эканлиги сабабли ҳисобга олинмаслиги керак, деган гаплар ҳам рўкач қилинмоқда. Лекин бу мамлакатлар Шимолий Атлантика иттифоқининг аъзолари бўлмай қолишдими, ахир? Улар ўзларининг ядровий воситалари Совет Иттифоқига қарши қаратилганлигини яширяптиларми, ахир? Франция ҳукумати Американинг ядро ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштириш режаларидан ўзини тийиб туриш бир ёқда турсин, балки аксинча, бу режаларни зўр бериб қўллаб-қувватлаётганлиги шуни кўрсатмайдими, ахир? Бунда «мустақил статус» тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас! Бир томондан НАТОнинг маълум қарори шу иттифоқнинг барча аъзоларидан Қўшма Штатлар учун ўзига хос мандат қилиб кўрсатилмоқда, иккинчи томондан эса НАТОнинг қурол-яроғларини ҳисоблай бошлашганларида инглиз ва француз ракеталарининг бунга дахли бўлмай, гўё улар «мустақил» экан. Бунда сира мантиқ йўқ.

Вазиятга Совет Иттифоқи, унинг қонуний манфаатлари нуқтаи назаридан баҳо беришга уриниб кўринг: хўш, бизнинг мамлакатимизга мўлжал олдирилган ана шу инглиз ва француз ядро ракеталари қаршисида бизни нимага асосланиб, қандай ҳуқуқ билан қуролсиз қолдиришни истамоқдалар?

Биз бунга рози бўла олмаслигимиз ва ҳеч қачон рози бўлмаслигимиз равшан. Америка, Англия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг халқлари хавфсизлик учун қандай ҳуқуққа эга бўлса совет халқи ҳам худди шундай ҳуқуққа эгадир. Биз американликларнинг таклифларини қабул қилганимиз тақдирда улар Европа зонасида ўзларининг аэродромлари ва авианосецлардаги авиациясини, яъни Совет Иттифоқи территориясига етиб кела оладиган ва ядро қуролини элтадиган олдинги базаларидаги воситаларини дахлсиз қолдиришларидан бизни кўз юмишга даъват этмоқдалар. Бундай воситалар эса оз эмас — ядровий портловчи зарядларни элтувчи юзлаб воситалар ва минглаб шундай зарядлар бор.

АҚШ маъмурияти ишни ўзаро мақбул аҳдлашувга эришиш сари юритишни истамаётганлиги бизни ғарбда — Европадагина эмас, шу билан бирга шарқда — Осиёда ҳам бир томонлама тартибда қуролсизлантиришга уринаётганлиги музокаралар олиб боришнинг ҳамма қабул қилган нормалари бузилаётганлигида ҳам кўриниб турибди. Вашингтон ўз шартларини — ўртача олисликка учириладиган ракеталаримизни Совет Иттифоқининг Осиё қисмига жойлаштирмаслик шартини бизга мажбуран қабул қилдиришни истарди. Бунинг эса Женева музокараларига мутлақо алоқаси йўқ. Улар Осиёда, Тинч океан ва Ҳинд океанида, Узоқ Шарқда бизга қарши кўпдан кўп ядровий воситаларни тўплаб қўйганликлари тўғрисида американликлар лом-мим демаяптилар. Дарвоқе, АҚШ ўзининг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини Аляскада ўрнатиш ниятида эканлиги тўғрисидаги хабарлар Америка ва Англия матбуотида ўқтин-ўқтин пайдо бўлиб қолмоқда. Шундай бўлган тақдирда бу нарсани биз пайқамай қолмас эдик. Мен ҳозир буни Америка томони афтидан, унинг ўзи риоя этиш ниятида бўлмаган нарсани Совет Иттифоқидан талаб қилаётганлиги тўғрисидаги хулосани тасдиқлаш учун эслатиб ўтмоқдаман.

Хўш, ўз хавфсизлиги тўғрисида ташвишланиш учун ким кўпроқ асосга эга, деган савол туғилади.

Маълумки, Совет Иттифоқи биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик мажбуриятини қабул қилган бир пайтда НАТОнинг ядро қуролига эга бўлган мамлакатлари шундай мажбуриятни ўз зиммасига олишдан ҳануз қатъиян бош тортаётганликлари учун ҳам мазкур саволнинг ўртага қўйилиши, айниқса ҳаққонийдир.

**Савол.** Ғарб билан Шарқ ҳарбий устунликка интиляпти, бир-бирига таъна қилмоқда. Американликлар ҳатто Женева музокараларида совет вакиллари СССРнинг Европа қитъасида ўртача олисликка учириладиган ракеталар бўйича устунлигини абадийлаштиришга интилмоқдалар, деб даъво қилмоқдалар. Тахминий мувозанат қандай бўлиши керак?

**Жавоб.** Бундай даъволар бизга маълум. Американинг ҳарбий ва сиёсий арбоблари бу масалада, айниқса, зўр бермоқдалар. Дарвоқе, Ғарбдаги бошқа баъзи сиёсатчилар ҳам улардан унча орқада қолаётганлари йўқ. Бундай даъволарда зиғирча ҳам ҳақиқат йўқ. Фактларга асосланиш керак. Кейинги вақтларнинг ўзидагина Совет Иттифоқи музокараларни қотиб қолган жойидан силжитиш истагида бир қанча таклифларни Америка томонига ва НАТОдаги бошқа мамлакатларга ҳавола қилди. Ана шу таклифлар конструктив руҳда эканлиги яққол кўриниб турибди.

Европада ўртача олисликка учириладиган ядро қуролларини чеклаш юзасидан худди ўша Женева музокараларидаги таклифларимизни эслатиб ўтиш кифоя. Ҳозир Европада ҳар бир томоннинг ўртача олисликка учириладиган ядро қуролини элтувчи тахминан мингтадан воситаси бор. Бунга қўшимча равишда тактик аҳамиятдаги бир неча мингтадан ядровий зарядлар мавжуд. Бизнинг ниҳоятда олисни кўзловчи таклифимиз қабул қилинган тақдирда Европа қитъасида умуман Европадаги нишонларни яксон қилишга мўлжалланган ядро қуролининг ҳеч қандай турлари — ўртача олисликка учириладиган ядро қуроли ҳам, шунингдек тактик ядро қуроли ҳам қолмаган бўлур эди. Дарвоқе, Ғарбдагилар ана шу таклифимиз тўғрисида уялиб, лом-мим демасликни афзал кўрмоқдалар. Шу таклиф амалга ошган тақдирда Европа, Европа хавфсизлиги ютадими ёки ютқазадими? Бунинг жавоби равшан ва биттадир.

Бу гап бизнинг бошқа таклифимизга ҳам тааллуқли. Шу таклиф рўёбга чиқарилганда туб қисқариш содир бўлур эди: ҳар бир томоннинг ўртача олисликка учириладиган қурол-яроғлари сони уч баравар қисқартирилган бўлур эди. Бошқача қилиб айтганда, бизлар Европани ана шу қуролдан батамом холи қилиш йўлининг учдан икки қисмини босиб ўтган бўлур эдик.

Ниҳоят, Ғарб бизнинг ўтган йил декабрида таклиф қилган вариантимизга қўшилган тақдирда СССР билан НАТО мамлакатларида 162 тадан, яъни ҳозир НАТО томонида — Англия

(Давоми иккинчи бетда).

# Ишлаб чиқаришнинг ишончли ёрдамчиси

**В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали мажлислар залида шаҳар партия, касаба союз ва хўжалик активининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Уни Тошкент область касаба союзлари Совети раиси А. В. Бранлов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров «КПСС XXVI съезди ва СССР касаба союзларининг XVII съезди талаблари асосида меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш ва социал вазифаларини ҳал этишда доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларининг ишини такомиллаштириш тўғрисида» доклад қилди.**

— КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленумида партия томонидан қўйилган йирик, принципиал янги вазифаларни ҳал этишда асосий звенони — ишнинг бош йўналишини аниқлаш ғоят муҳим. Бугунги кунда гап коммунистик қурилишнинг ҳар бир участкасида меҳнаткашларнинг ижодий активлигини юксалтиришни таъминлаш, уларнинг самарадорлик ва сифат, иқтисод ва тежамкорлик, интизом, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлаш учун курашини кучайтириш ҳақида сўз бораяпти. Бу умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган катта ва мураккаб вазифалардир. Уларни ҳал этишда энг оммавий ташкилот бўлган, ўз сафларида 867 минг тошкентликни бирлаштирган касаба союзлари муҳим ва ҳал этувчи роль ўйнайди.

Касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатишнинг, омманинг ижодий активлигини ривожлантиришнинг қудратли воситаларига эга. Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга, иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишга жалб этишнинг энг самарали формаларидан бири доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларидир.

Доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларининг оммавийлиги, обрўйи, ўсиб бораётган роли ҳақида шу нарса далолат берадики, уларнинг миқдори 1975 йилга нисбатан қарийб бир ярим баравар ўсди ва ҳозир 1100 тадан кўпроқни ташкил этади. Бугунги кунда ишлаб чиқариш демократиясининг бу нуфузли ташкилотига 66 мингга яқин меҳнаткаш сайланган. Улардан учдан икки қисми ишчилардир.

Ҳар йили ишлаб чиқариш кенгашлари томонидан хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган 30 мингга яқин таклиф қабул этилади. Уларни жорий этишдан фақат ўтган йилнинг ўзида 9 миллион сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилди.

Тажриба шуни кўрсатаяптики, қаерда партия комитети доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгаши фаолиятини диққат билан кузатиб борса, қаерда коммунистлар ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашларнинг роли ошуви ҳақида қайғурса, ўша жойда яхши натижалар қўлга киритилади.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи, В. И. Ленин номли электрон техника заводи, 11-«Висотстрой» тресли, «Ташметрострой», Сергелидаги авиакорхоналар бирлашмаси, 2-автокомбинат, 3-таксопарк ва бошқа корхона ва ташкилотлардаги партия ташкилотлари доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларига касаба союз комитетлари раҳбарлигини тўғри йўналтирмоқдалар.

Шу йил бошида Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида партия ташкилотлари ролини янада ошириш масаласи муҳокама қилинди. Бунда «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия ташкилотининг ижобий ишлари тасдиқланди. Бу ерда касаба союз ташкилоти яхши фаолият кўрсатаяпти, доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгаши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, хом ашё, материалларни тежаш имкониятлари ва резервларини қидириб топишга катта аҳамият беради.

Фақат 1982 йилнинг ўзида коллективда бу масала бўйича 168 таклиф қабул қилиниб, булар асосида тадбирлар ишлаб чиқилди, бирлашма бўйича буйруқ эълон қилинди. Белгиланган тадбирларнинг бажарилиши, сифатнинг олий категориясида буюмлар ишлаб чиқариш бўйича планни ортиғи билан адо этиш, уларнинг салмоғини умумий маҳсулот ҳажмида 58 процентга етказиш имконини берди.

Партия ва касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқариш кенгашларининг активлиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича изчил иш олиб бораётган жойларда ишлаб чиқаришнинг йирик резервлари аниқланаяпти. Булар қаторида «Средазкабель» бирлашмаси, абразив комбинати, асбобсозлик, чинни заводлари, 153-қурилиш тресли, 3-автокомбинат ва бошқа корхоналардаги доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шаҳар партия ташкилотлари, касаба союз комитетларининг ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашларни жалб этиш бўйича ижобий ишларини таъкидлаш билан бирга, шуни тан олиш керакки, доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларининг имкониятларидан ҳамма жойда ҳам тўла фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Бир қатор коллективларда уларнинг обрўйи юқори эмас.

«Ўзбекистон» табиий ва сунъий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси, 4-дон маҳсулотлари комбинати, ёғ-мой комбинати, подшипник ремонти заводи, 8-қурилиш трести, трамвай-троллейбус бошқармаси ишлаб чиқариш кенгаши фаолиятига раҳбарликни бўшаштириб юборишган. Бу ва бошқа корхоналарда доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашлари мажлисларига масалалар юзаки, мутахассисларни ва оддий ишчиларни кенг жалб этмасдан тайёрланади, киритилаётган таклифлар яхши ҳисоблаб борилмайди.

Масалан, 1-уйсозлик комбинатида 1982 йилда доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашларининг атиги иккита мажлиси бўлиб ўтди. Уларда қабул қилинган таклифлар корхона бўйича буйруқларда ифодаланмади. 1982 йил 30 июлда бўлиб ўтган ишлаб чиқариш кенгаши мажлисида янги техникани жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар бўйича маъмурият томонидан шу йилнинг январида, яъни олти ойдан кейин лозим бўлган тадбирлар белгиланди.

Айрим корхона ва ташкилотлардаги доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашлари иш системасига эга эмас. Куч-ҳаракатни ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларидаги ишнинг аҳволини чуқур ўрганишга қаратмайди, шаҳар халқ хўжалигидаги кўпгина проблемалар, нуқсонларни бартараф этиш ва ҳал этишга зарур таъсир кўрсатмайди.

Партия Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. Андропов бизни ишчан бўлишга, қаттиқ интизом ва уюшқоқлик кўрсатишга даъват этяпти. Бу кайфият шаҳардаги барча партия ва касаба союз ташкилотлари, ҳар бир коллектив ва ҳар бир тошкентликнинг фаолиятида акс этиши лозим.

Семинар-кенгашда сўзлаган «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари Ш. Шевешова, «Ташсельмаш» заводи директори Ҳ. Ғуломов, 11-«Висотстрой» қурилиш трести комплекс бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Қорабоев ва бошқалар ўз корхоналаридаги доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгаши иш тажрибасини ўртоқлашдилар, доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашлари меҳнат коллективлари олдида турган вазифаларни ҳал этиш бўйича белгилаётган тадбирлар ҳақида гапирдилар.

Семинар-кенгашда доимий ҳаракатдаги ишлаб чиқариш кенгашлари иш услуби ва методини янада такомиллаштириш, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ижодий активлигини ўстиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

## ФАХРИЙ МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

25 апрель куни Тошкентда фан ва техника соҳасида 1982 йилги Давлат мукофотлари лауреатларига фахрий нишонлар топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов очди.

СССР Ленин мукофоти ва Давлат мукофоти комитетининг илмий секретари профессор В. Н. Четвериков муҳим илмий-техника проблемаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишдаги ютуқлари учун Ўзбекистон ССР олимлари ва мутахассисларидан бир группасига 1982 йилги СССР Давлат мукофотларини бериш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорини ўқиб эшиттирди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов лауреатларга диплом ва кўкракка тақиладиган нишонларни топширди.

Ш. Р. Рашидов мукофотларни топшириб, лауреатларни самимий табриклади, уларга илғор совет фани шон-шуҳрати йўлида, социалистик Ватанимизни равнақ топтириш йўлида янгидан-янги ижобий муваффақиятлар тилади. У Ўзбекистон олимларининг партия XXVI съезди тарихий режаларидан, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларидан, КПСС Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган кенгаш материалларидан келиб чиқадиган вазифаларига тўхталиб ўтди. КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини, шу кенгашда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида ўртага қўйилган вазифаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Сўзга чиққан лауреатлар ўз меҳнатларига берилган юксак баҳо учун, фанни ривожлантириш ва илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш тўғрисидаги, совет кишиларининг фаровонлиги ва маънавий бойлигини ўстириш тўғрисидаги доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун лауреатлар номидан партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

### ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

△ «Шаҳдам одимлар» сарлавҳаси остида Ўзбекистон ССР саноатида 1983 йилда 1 квартал давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти эълон қилинган.

△ Америка штатлари, графликлари ва муниципалитетлари хизматчилари федерациясининг ғазначи секретари Уильям Луси бошчилигидаги шу федерация делегацияси республика ҳаёти билан танишмоқда. Кеча делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев билан суҳбатлашдилар.

### БРИГАДА ПУДРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Сергели район партия комитетида қурилиш бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг семинари бўлиб ўтди. Унда бригада пудратини такомиллаштириш ва ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Семинар қатнашчилари иш тажрибаларини алмашдилар, бригада пудратини такомиллаштириш йўлларини белгилаб олдилар. Тавсияномалар, бригада пудрати усулидан фойдаланиб, қурилиш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича райондаги барча қурувчиларга қарата Мурожаат қабул қилинди.

## ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

25 апрель куни шаҳар партия комитетида партия, совет, касаба союз, комсомол ва физкультура ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда 6 майда бўладиган шаҳарнинг 2000 йиллигига бағишланган Тошкент XIX Спартакиадасининг очилиш байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди, муҳокама этилди.

Кенгашда шунингдек, 7 ва 8 майда совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 38 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган енгил атлетика эстафетаси ва оммавий район енгил атлетика пойгаларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов кенгашга якун ясади.

## СОВЕТ ТЕННИСЧИЛАРИ ПЕШҚАДАМ

«Динамо» теннис стадиони кортларида ўтаётган бу йилги Халқаро турнир мусобақаларга шу қадар бойки, кун қандай ўтганини сезмай қоласиз. Деярли ҳар бир спортчига бир кунда уч мартагача кортга чиқиб, ғалаба учун курашишга тўғри келмоқда. Бундай шароитда муваффақият мусобақаларга пухта тайёрлангач, ўз кучини бутун турнир беллашувларига тўғри тақсимлай олган спортчилар томонида бўлади. Бу жиҳатдан СССР командасининг ёш теннисчилари бошқалардан афзалроқ кўринади. Улар финал тўртликларининг барча разрядларида етакчилик қилишмоқда. Фақат Чехословакия спортчиларигина Тошкент турнирининг бош совринлари учун курашувчилар сафидан ўрин олишга муваффақ бўлишди. Бошқа мамлакатларнинг ва республикамизнинг теннисчилари юқори ўринларга даъвогарлик қилишолмади.

Мусобақалар тугашига бир кун қолганда жуфт беллашувларда дастлабки ғолиблар аниқланди, якка ҳамда аралаш жуфтлар разрядида йигит ва қизлар ўртасида финалчилар маълум бўлди. Жумладан, спорт мастерлари Наталья Бикова ва Оксана Лифановадан иборат москвалик армиячилар жуфти ҳал қилувчи баҳсда ўз ҳамшаҳарлари спорт мастерлари Виктория Мильвидская ва Ирина Фишкинани 2:0 (6:4; 7:5) ҳисобида мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни эгалладилар. Грузиялик спорт мастери Ирина Малацидзе ва биринчи разрядли Лейла Месхи турнирнинг учинчи совриндори бўлдилар. Тўртинчи ўринни чехословакиялик спортчилар Петра Тесарова ва Петра Седлачкова эгаллашди.

Ўсмирлар ўртасидаги жуфтлар мусобақасида эстониялик спортчилар Тээма Рятсеп ва Айво Ояссалу ғолиб чиқишди. Таллиндаги «Калев» жамиятининг аъзолари муросасиз баҳсда 2:1 (6:3, 4:6, 6:1) ҳисобида Александр Волков («Спартак», Калининград) ва Александр Чернецкий («Динамо», Симферополь) устидан ғалаба қозондилар. Учинчи ўринни киевлик спортчилар Сергей Бакай ва Сергей Гримальский қўлга киритдилар.

Шу куни СССР командаси шарафини ҳимоя қилаётган тошкентлик динамочи спорт мастери Светлана Юрченко айниқса маҳорат кўрсатди. Ўтган йилги Тошкент турнирининг ғолиби москвалик Наталья Бикова билан учрашган Светлана уч партияда тажрибали рақибини мағлубиятга учратиб, кеча финал баҳсида москвалик спорт мастери Оксана Лифанова билан учрашди. Светлана Юрченко биринчи ўринни эгаллади. Бу ҳамшаҳримиз учун катта муваффақиятдир.

СССР командасининг капитани, спорт мастери Виктор Хурда кеча икки учрашув ўтказди. Якка разрядда унинг рақиби киевлик Сергей Бакай эди. Команда етакчиси учрашувни бой бериб турнирнинг иккинчи совриндори бўлди. Сўнгра Хурда Ирина Малацидзе билан бирга биринчи ўрин учун ҳал қилувчи беллашувда чехословакиялик спортчилар Томас Форд ва Петра Тесарова билан учрашди. Совет теннисчилари ғалаба қозондилар. Аралаш жуфтлар ўртасида СССР командаси вакиллари Сергей Бакай ва Ирина Фишкина учинчи ўринни эгаллашди.

Мусобақалар тугагандан сўнг Тошкент—83 Халқаро турнири ғолибларини мукофотлаш ва унинг тантанали ёпилиш маросими бўлди.

М. ГОРБАЧЕВ.

# Ю. В. АНДРОПОВНИНГ
# „Шпигель“ (ГФР) журналига жавоблари

(Боши биринчи бетда).

билан Францияда қанча ракета бўлса, худди шунча ракета қолган бўлур эди. Ҳар бир томоннинг ўртача олисликка учадиган 138 тадан самолёти ҳам қолган бўлур эди. Бу рақамлар ҳам мутлақ рақамлар эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман. НАТО рози бўлган тақдирда уларни икки томонлама асосда қисқартириш мумкин бўлур эди.

Совет Иттифоқининг мана шу таклифлари ўз кучида қолади. Бу таклифлар чинакам тенгликни ва кучларнинг ҳақиқий мувозанатини батамом таъминлайди.

Хўш, буни СССРнинг ҳарбий устунликка интилиши, деб бўладими?

Ҳозирги вазиятнинг мураккаблиги ва хатарли эканлиги шундан иборатки, Ғарб тиқиштираётган қуролланиш пойгаси — музокаралардан ўзиб кетмоқда. Бунга йўл қўймаслик, музокаралар олиб боришнинг қулай шароитларини вужудга келтириш учун соғлом фикр томонларнинг ядро аслаҳаларини кўпайтирмай туриш зарурлигини кўрсатиб турибди. Ҳозирча бошқа қарорлар топилмаган экан шундай қилиш энг оқилона иш бўлур эди. Биз стратегик қурол-яроғлар каби ўртача олисликка учириладиган воситаларни ҳам кўпайтирмасликни таклиф қилдик. Бизнинг фикримизча, бу шу йўлда қўйилган биринчи қадам бўлур эди, холос. Қисқартиришлар тўғрисида гап кетиши лозим бўлган бир пайтда кўпайтирмай туриш тўғрисидаги гапнинг нима ҳожати бор?— деб бизга эътироз билдирмоқдалар. Булар чиройли эшитилса-да, аммо ҳамма бало шундаки, бу ҳақда сафсатабозлик қилиб турган айни бир пайтда қурол-яроғларни кўпайтирмоқдалар. Қарабсизки, кўпайтирмаслик ҳам, қисқартириш ҳам йўқ.

Қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартиришга доир бошқа проблемаларга СССР билан АҚШнинг ёндашувларини таққослаб кўрганда тафовут жуда катта.

Мен биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида ўз зиммамизга мажбурият олганлигимизни гапириб ўтдим. АҚШ ва НАТОнинг ядро қуролига эга бўлган бошқа аъзолари худди шундай баёнот берганларида бутун ер юзидаги одамлар енгил нафас олган бўлур эди. Нима учун шундай қилмаслик керак экан? Аммо бизнинг ташаббусимиз сукунат деворига бориб тегмоқда.

Яна бир мисол. Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда Варшава Шартномаси мамлакатлари билан НАТО мамлакатлари ўртасида ҳарбий куч ишлатмаслик ва тинч муносабатларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартнома тузиш ҳақида киритган ва яхши ниятлар тақозо этган ҳалол таклифига Ғарбнинг шу пайтгача эътибор қилмаётганлигини нима билан оқлаш мумкин? Бунга оқилона жавоб қидириб топиш қийин.

Ёки бўлмаса, келинг кўрайлик-чи, стратегик қурол-яроғлар тўғрисидаги музокараларда иккала томон ўзини қандай тутмоқда? Икки позицияни таққослаймиз. Биз ҳеч бир мустасносиз стратегик элтувчи воситалар умумий сонини анча, тўртдан бир баравардан кўпроқ қисқартиришни таклиф этмоқдамиз. Улардаги ядро зарядларининг сони ҳам баравар даражада қисқарган бўлур эди. Хўш, АҚШ нимани талаб қилмоқда? У қисқартиришлар тўғрисида фақат гап сотиб, аслида эса ишни ўз стратегик қурол-яроғларини анча, ҳақиқатдан ҳам «тубдан» кўпайтириш сари олиб бормоқда. Узоқ масофага учириладиган қанотли ракеталарнинг ўзидангина қўшимча равишда 12 мингтадан кўпроғини жойлаштириш мўлжалланмоқда. Вашингтондан олинган энг янги хабарларни ҳам айтиб ўтаман: яна бир план — яқин йиллар ичида янги типдаги қитъалараро баллистик ракеталардан анчасини қўшимча равишда жойлаштириш плани президент столига қўйилди.

Бу тўхтовсиз қуролланиш пойгасидир. Буни бошқача таърифлаб бўлмайди.

АҚШ химиявий қурол каби даҳшатли оммавий қирғин қуролини тўплаётганлиги ва уни ишлатишни планлаштираётгани ҳам сир эмас. Бу қурол ҳозирдаёқ Европага келтирилмоқда, АҚШда эса унинг янги, яна ҳам кўпроқ қирғин келтирадиган турлари зўр бериб ишлаб чиқилмоқда. Биз эса химиявий қуролни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва унинг запасларини тўплашни тақиқлаб қўйишни, уни умуман йўқ қилиб ташлашни таклиф этмоқдамиз. Бунда ҳеч қандай савол йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмасдек кўринади. Аммо бу қуролни «фойдали» деб мақтаётган арбоблар АҚШда ҳам, Ғарбий Европада ҳам топилмоқда.

Қурол-яроғларни қисқартириш устидан контроллик проблемаси тўғрисида бир икки оғиз сўз айтиб ўтмоқчиман. Совет Иттифоқи гўё контролликка қарши ва шу боисдан у билан аҳдлашиш қийин, деган гаплар айтилмоқда. Немисларнинг образли ибораси билан айтганда бу — «эски шляпа», сийқаси чиққан гапдир. Биз учун контроллик бошқаларга қараганда кам эмас, балки кўпроқ даражада муҳимдир. Биз контроллик масалаларига умумий гап-сўзлар билан эмас, балки амалий тарзда ёндашмоқдамиз. Бизнинг бундай ёндашувимиз стратегик қуролларни чеклашга доир битимларда ўз ифодасини топди. Контроллик масалаларидаги сиёсатимиз ёппасига ва батамом қуролсизланишгача бориб етган, то ялпи ва тўла контроллик ўрнатилишигача олисни кўзловчи сиёсатдир. Биз контроллик проблемасининг музокараларда ўтиб бўлмайдиган ғовга айлантирилишига қаршимиз.

Ҳақиқий манзара мана шундай. Мен баъзи фактларнигина келтирдим, холос. Фактларни давом эттириш мумкин эди, аммо қуролсизланиш масалаларида Совет Иттифоқи қандай позицияда ва АҚШ қандай позицияда эканлиги айтиб ўтилган фактларнинг ўзиданоқ кўриниб турибди.

Ким ҳарбий устунликка эришишга, ким тенглик учун, ҳарбий қарама-қарши туриш даражасини пасайтириш учун интилаётганлигига энди ўзларингиз баҳо берингиз.

**Савол.** АҚШ президенти Рейган 1987 йилгача бўлган даврда қуролланиш харажатларини 1600 миллиард доллардан иборат жуда катта миқдорга етказиш ниятидадир. У қитъалараро «МХ» ракеталарини, «Першинг-2» ракеталарини, қанотли ракеталарни ва ҳатто ракеталарга қарши космосда жойлаштирилган системани (бу система Қўшма Штатларни пухта ҳимоя қилиши керак) яратишни планлаштирмоқда. Сиз бунга нимани қарши қўйиш ниятидасиз?

**Жавоб.** Кейинги вақтларда Рейган маъмурияти аъзоларининг милитаристик, агрессив муддаоларини фош қилганда улар ўзларини хафа қилиб қўйилган кишилардек кўрсатиши одатга айланиб қолди. Эҳтимол, сиёсатдан бехабар бўлган кишиларнинг биронтасида бу нарса таассурот қолдириши мумкиндир. Афтидан, бу шунинг учун мўлжалланган бўлса керак. Лекин бундай ҳолларда энг яхшиси фактларга мурожаат қилиш керак. Фактлар эса АҚШ барча йўналишларда мислсиз қуролланиш пойгасини авж олдириш йўлига ўтиб олиб, халқаро кескинликни ҳаддан ташқари кучайтириб юбораётганидан далолат бермоқда.

Мен ракетага қарши кенг кўламдаги ва юксак самарали мудофаа системасини ишлаб чиқиш тўғрисида Вашингтонда эълон қилинган планларни ҳам конкрет равишда назарда тутмоқдаман. Бу режаларнинг авантюризми ва хавф-хатари шундан иборатки, бунда жазосиз қолишга, жавоб зарбасидан ўзини бехатар қилиб қўйишни ўйлаб, биринчи ядро зарбасини беришга умид боғланмоқда. Кейин эса учириш тугмачасига қўл узатиш ҳам ҳеч гап бўлмай қолади. Американинг янги ҳарбий концепциясининг асосий хавф-хатари мана шундадир. Бу концепция дунёни ядро ҳалокатига яқинлаштиришга қодир, холос. Шундай бўлиб чиқяптики, мудофаа тўғрисида гапирадилар-у, аслида стратегик қуролларни чеклаш бутун жараённи барбод этмоқчи бўладилар.

Дарҳақиқат, дунёнинг мўътабар олимлари ҳам шундай демоқдалар. Биз АҚШ ҳукуматига Совет ва Америка олимлари, шу соҳадаги мутахассислари учрашиб ракетага қарши кенг кўламли мудофаа системасини вужудга келтиришнинг эҳтимол тутилган оқибатларини муҳокама қилсинлар, деб таклиф этамиз. Илм-фан ўзининг мўътабар сўзини айтсин.

Уруш олиб боришнинг космик воситаларини ишлаб чиқиш Америка ҳарбий тайёргарликларининг таркибий қисми эканлиги тобора равшан бўлиб қолмоқда. Қурол билан космосга чиқиб олиб, ўша ердан туриб инсониятга таҳдид қилмоқчи бўладилар. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Космос тинч бўлиб қолиши керак. Биз ҳар қандай қуролни космосда жойлаштирмаслик тўғрисида халқаро шартнома тузишни таклиф этдик. Биз ҳатто бундан ҳам олға бориш кераклигига, умуман космик фазода ҳам, шунингдек космосда туриб ерга нисбатан ҳам куч ишлатишни тақиқлаш тўғрисида аҳдлашиб олиш кераклигига аминмиз.

Қуролланиш пойгаси йўқ жойда бу пойгани бошламаслик, ҳозир қуролланиш пойгаси мавжуд жойларда эса уни тўхтатиш керак. Позициямизнинг моҳияти мана шундадир. Музокараларда биз мана шунга амал қилмоқдамиз.

Совет Иттифоқи Америка томони билан умумий тил топиш йўлини бундан буён ҳам изчиллик билан қидираверади ва шундай йўлни топишга интилаверади. Бизнинг илгари киритган таклифларимиз ўз кучида қолмоқда. Америка маъмурияти бирон бир проблема юзасидан уни баб-баравар хавфсизлик руҳида ҳал этишга қаратиладиган таклифларни киритган тақдирда биз бу таклифларни албатта ижобий тарзда кўриб чиқамиз.

**Савол.** Федерал канцлер Гельмут Коль яқинда Москвага визит билан келмоқчи. Сиз СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларнинг истиқболига қандай баҳо берасиз ва Коль ҳукумати НАТОнинг тўлиқ қуролланиш деб аталган режасини амалга оширган тақдирда ҳамкорлик қилиш имкониятлари мавжуд деб ҳисоблайсизми?

**Жавоб.** СССР билан Федератив Республика ўртасидаги тинч, амалий ҳамкорлик — Европада ва умуман халқаро ҳаётда барқарорликнинг муҳим омилидир. Буни сақлаб қолиш ГФРнинг ҳам, Совет Иттифоқининг ҳам манфаатларига мос бўлиб тушади, деб ўйлайман. Бунинг учун негиз, яхши негиз мавжуд. Бу негиз — Москва шартномаси ва мамлакатларимиз 70-йилларда тузган бошқа бир қанча битимлардир. Бу негиз — турли соҳаларда амалий ҳамкорликнинг биргаликда тўпланган тажрибасидир.

Совет Иттифоқида канцлер Г. Колнинг визити кутилмоқда, визит тўғрисида принципиал келишувга эришилди. Биз визит чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда мавжуд бўлган ижобий натижаларни мустаҳкамлашга ва келгусидаги истиқболларни белгилаб олишга муваффақ бўламиз, деб умид қиламиз.

Шу билан бирга биз муносабатларимизнинг истиқболларига баҳо бериб, Американинг янги ядро ракеталарини ГФРда жойлаштириш режаларини эътибордан четда қолдира олмаслигимиз, табиий.

Ўзингиз баҳо берингиз, башарти ГФР территорияси СССРга ва унинг иттифоқчиларига ядро зарбаси бериш учун бир майдонга айлантириб қўйилган тақдирда шу муносабатларга қанчалик зарар етказилган бўлур эди. Шундай бўлиб қолса борми, бу нарса ГФРнинг ўзи учун жуда оғир оқибатлар келтириб чиқарган бўлур эди.

Аммо такрор айтаманки, Совет Иттифоқи — ишнинг бундай боришига қатъиян қаршидир. Биз ҳозирги аҳволдан қутулишнинг бошқа бир чорасини таклиф этамиз, бу чора ГФРнинг ҳам, Совет Иттифоқининг ҳам хавфсизлигини мустаҳкамлаб Европа тинчлигини ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида мамлакатларимизнинг муваффақиятли ҳамкорлик қилишига имкон берган бўлур эди.

* * *

**Р. Аугштайн.** Совет Иттифоқининг олий раҳбари билан учрашиш ва суҳбатлашиш имконияти берилганидан мен жуда хурсандман. Биз баъзи саволларни бердик ва уларга ёзма равишда жавоб олдик. Шуни айтишим керакки, учрашувимиздан олдин Сизнинг жавобларингиз тексти билан танишиб чиқдим. Билмадим, Сиз уни ҳозир менга расмий равишда топширасизми ёки уни топширилган деб ҳисоблаш мумкинмикин?

**Ю. В. Андропов.** Сизга ушбу текстни топширишга тайёрман. Бу энг оқилона ва қулай усул деб ўйлайман. Бу Сизга маъқул бўладими?

**Р. Аугштайн.** Ҳа, албатта. Сизга миннатдорчилик билдираман. Бироқ, ҳар қандай текст ҳам батафсил бўла олмаслиги учун шу ерда Сизга қўшимча равишда баъзи саволлар беришга рухсат этишингизни сўрайман.

**Ю. В. Андропов.** Марҳамат.

**Р. Аугштайн.** Ғарбда Қўшма Штатлар ҳозир қилаётган ва планлаштираётган даражада қуролланмаган маълум бир давр ичида, Совет Иттифоқи ўз қурол-аслаҳаларини актив кўпайтирган, деган гапларни тез-тез эшитиш мумкин. Ана шу гапларга қараганда бунинг натижасида 70-йиллар давомида совет қуроллари кўпайган, Америка қуроллари эса ҳатто камайиб кетган.

**Ю. В. Андропов.** Бу гаплар янги эмас, уларни американиклар зўр бериб тарқатишяпти. Лекин бунга уларнинг НАТОдаги иттифоқчилари ҳам ёрдам беришяпти. Мен бу саволга жавоб бериш учун махсус тайёргарлик кўрган эмасман. Лекин Сиз келтирган гаплар ҳақиқатга тўғри келмаслигини исботлаш осон. Бошидан бошлайдиган бўлсак, атом қуролини кашф этган ва у билан биринчи бўлиб қуролланган Совет Иттифоқи эмаслигини эслатиб ўтишга рухсат бергайсиз. Узоқ бир давр бўлганки, бу даврда бизда бундай қурол умуман йўқ эди, американикларда эса бор эди ва улар бу қурол билан бизга, ҳатто бутун дунёга дағдаға қилишган. Уларни қувиб етиб олишимизга тўғри келди. Орадан бир неча йил ўтди, Совет Иттифоқида ҳам атом қуроли пайдо бўлди. Биз шундай қилишга мажбур бўлдик. Гап ана шунда эди.

**Р. Аугштайн.** Лекин шундай ҳам бўлган эдики, 1977 йилда Совет Иттифоқи олий раҳбарлиги ҳар икки томоннинг қурол-аслаҳаларида тахминий тенглик мавжудлигини тан олган эди-ку?

**Ю. В. Андропов.** Худди шундай. Лекин саволингизга жавоб бериб бўлганим йўқ. Агар шундан сўнг воқеаларнинг ривожланишини бир қанча босқичлар бўйича кузатадиган бўлсак, воқеа бундай бўлган эди. Қўшма Штатлар ўз ядро қуролини интенсив такомиллаштира бошлади. Моноблокли зарядлардан улар кассетали боеголовкаларга ўтишди. Шундан сўнг биз ҳам шундай қилишга мажбур бўлдик. Сўнгра американиклар ҳар бири мўлжалга ўзи бориб тегадиган ажралиб кетувчи зарядли қисмларни қурол-аслаҳага киритишди. Бунга жавобан биз ҳам шундай қилдик. Кейин АҚШ РГЧлик ракеталарини сув ости кемаларига ўрната бошлади, у вақтда бизда бунақаси йўқ эди. Бунга жавобан худди шундай иш қилишимизга тўғри келди.

Кучларнинг тахминий тенглиги мавжуд, биз ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблаймиз, тахминий тенглик мавжуд.

Шундай қилиб, иш ҳамиша шу тарзда бордики, қурол-яроғларни кўпайтиришда биз фақат американикларга эргашдик, холос. Аксинча бўлган эмас. Бунинг устига қурол-яроғларни кўпайтиришда АҚШга етиб олишга ҳаракат қилар эканмиз, бу пойгани тўхтатишни ҳам таклиф қилдик, ҳар икки томон қурол-аслаҳалари даражасини ўзгартирмай сақлаб қолиб, уларни қисқартиришга ўтишни таклиф қилдик. Афсуски, биз бу таклифларга Америка томонининг розилигини ололмадик.

Ҳозирги вақтда ишнинг аҳволи тўғрисида гапирадиган бўлсак, уни баҳолашга турлича ёндашиш, турли методлардан ва ёндашувлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, Қўшма Штатлар ядро қуролларини сув ости кемаларига жойлаштирса, уларни шикастлантириб бўлмайди, деб ҳисоблади ва худди шундай қилди. АҚШ денгиз давлати бўлганлиги сабабли бу тушунарлидир. Биз эса континентал давлатмиз ва ядро қуролимизнинг катта қисми қуруқликда жойлаштирилган. Ҳозир эса американиклар, келинглар, қуруқликда жойлаштирилган ядро қуролларини қисқартирамиз, денгизда жойлаштирилган ракеталарни эса бир четга қўйиб турайлик, деб таклиф қилмоқда. Табиийки, бундай ёндашув бизга мақбул эмас. Биз ҳар икки томонда мавжуд бўлган ядро қуролларининг ҳамма турларини ҳисобга оламиз ва у томонда ҳам, бу томонда ҳам пировард натижада уларни тўла тугатишга қадар тенг даражада қисқартириб боришни таклиф қилмоқдамиз.

Ҳар икки томоннинг кучлари нисбати тўғрисида батафсил маълумотларга келганда шуни айтиш керакки, бу мавзуда яқинда бизнинг мудофаа министримиз Д. Ф. Устинов кўпчилик олдида нутқ сўзлади, у батафсил маълумотлар ва рақамларни келтирди. Сиз бу рақамларни ўзингиз ўқиб олишингиз мумкин. Ўшанда ҳозир мен айтган гапларнинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қиласиз.

**Р. Аугштайн.** Ғарбий Европада кўп одамлар советларнинг СС-20 ракеталари алоҳида хавф бўлиб турганлигини сезмоқдалар, бу ракеталар янги ва ғоят самарали қурол туридир.

**Ю. В. Андропов.** Очиғини айтганда, бу мавзу Сиздан олинган саволларга менинг жавобларим текстида баён этилган. Лекин қўшимча қилиб шуларни айтишим мумкин. Европа халқлари безовталанаётганликларини ва ҳатто ташвишланаётганликларини мен тушунаман. Биз ана шу безовталаниш сабабларини бартараф қилиш тарафдоримиз. Биз турли вариантларни таклиф қилдик. Европадан умуман ҳамма ядро қуролларини—ўрта радиусда учадиган қуролларни ҳам, тактик қуролларни ҳам олиб чиқиб кетишни таклиф қилдик. АҚШ бизнинг бу таклифимизга ҳатто жавоб ҳам қилмади. У қайсарлик билан бу ерда тўхталиб ўтишга ҳам арзимайдиган «нуль варианти» аталмиш вариантни тиқиштиришни давом эттираверди. Биз бу вариантнинг ҳақиқий моҳиятини кўп марта кўрсатиб бердик. Шундай қилиб, мавжуд аҳволдан ташвишланиш жиҳатидан сиз билан бизни ўртамизда тафовут йўқ. Қўшма Штатлар эса ўз ядро ракеталарини Ғарбий Европа территориясига жойлаштириб, сиз, ғарбий немисларни ҳам, бельгияликларни ҳам, голландияликларни ҳам ўз гаровига айлантиришни истайди. Биз бунга қаршимиз. Биз бу аҳволдан чиқишнинг ёки ўзаро хавфни бутунлай тугатишга имкон берадиган, ёки мавжуд кескинликни анча бўшаштирадиган турли йўлларини таклиф қилдик.

**Р. Аугштайн.** Совет Иттифоқи агар Женева музокаралари ижобий натижа бермаса ва Америка ракеталари барибир Европада жойлаштириладиган бўлса, у ҳолда СССР ўз ракеталарини АҚШ территориясидан тахминан шунча масофага жойлаштиради, деб айтди. Мен Сиздан шуни сўрамоқчи эдим, жаноб Бош секретарь, ҳақиқатан ҳам Сиз шундай қилмоқчимисиз, агар шундай қилмоқчи бўлсангиз, ракеталарингиз жаҳоннинг қайси районларига жойлаштирилиши мумкин?

**Ю. В. Андропов.** Маълум сабабларга кўра буни мен Сизга сир тутинг ҳам деб айтиб бермайман. Лекин ишнинг моҳияти тўғрисида гапириладиган бўлса, мен шуни тасдиқлашни истардим: американикларнинг ҳаракатларига бевосита АҚШ территориясига нисбатан ҳам, шунингдек, Европага нисбатан ҳам қандай жавоб беришни биламиз. Ядро қуроли бўйича музокаралар агар омадинг келмаса, кейинроқ омад келишига умид қиладиган карта ўйини эмас. Бу музокаралар том маънода ҳам Совет Иттифоқи, ҳам АҚШ, ҳам Варшава Шартномаси мамлакатлари, ҳам НАТО мамлакатлари халқларининг ҳаёт-мамоти масалаларига тааллуқлидир. Биз ҳозирги вақтда бизга қаратиб қўйилган француз ва инглиз ракеталарига қўшимча равишда чегараларимизга яқин жойга келажакда яна 500 тадан кўпроқ ядро ракетаси жойлаштирилишига бепарво қараб тура олмаймиз. Бизнинг жавоб чораларимиз ҳар қандай нуқтаи назардан, жумладан, энг юксак маънавий стандартлар нуқтаи назаридан ҳам ўринли бўлади.

**Р. Аугштайн.** Бу ерда Сиз француз ракеталарини эслатдингиз. Бу менга бошқа масалани эслатиб ўтишга мажбур қилади. Совет Иттифоқининг Франция билан муносабатлари жуда яхши эди. Шундай бўлдики, худди коммунистлар иштирок этаётган социалистлар ҳукумати совет дипломатлари ва бошқа ходимларидан эллик кишининг Франциядан чиқиб кетишларини талаб қилди. Бу воқеага Сиз қандай баҳо берасиз?

**Ю. В. Андропов.** Бу хусусда мен нима дея олардим? Энг аввало, совет кишиларига қарши ана шу қўпол иғвогарлик учун айб француз социалистлари ва айниқса, коммунистлари зиммасига тушмаслигини истардим. Бу воқеа замирида Франциянинг Совет Иттифоқи билан яхши муносабатда бўлишини хоҳламайдиган кишилар турганлиги бизга яхши маълум ва эҳтимол, бу кучлар фақат Франциянинг ўзидагина эмас, ундан ташқарида ҳам мавжуддир. Бу воқеа Франциянинг миллий манфаатларига мос бўлмаса керак. Бу ўзбошимчаликдан бошқа нарса эмас. Унинг ҳеч қандай қонуний асослари йўқ. Совет кишилари рухсат этилмаган фаолият билан шуғулланган деган ҳар қандай гаплар уйдирмадир.

Мен шундай фактни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиман. Франциядан чиқиб кетиш таклиф қилинган совет кишилари орасида ярим йилдан буён Францияда ишламаётган ва Совет Иттифоқида турган ходимлар ҳам бор. Бошқалари эса Францияда икки ҳафта ишлашга ҳам улгурмаган. Ахир, бу бемаънилик эмасми?

Бизга фақат бир нарсани, совет ходимлари ахборот тўплаш билан шуғулланганлар, дейишяпти. Лекин, менинг тушунишимча, ўзи турган мамлакат тўғрисида ахборот тўплаш ва уни ўз ҳукуматига юбориб туриш ҳар қандай мамлакатнинг дипломатик ва бошқа хизматлари вазифасига киради. Ахир бу рухсат этилмаган фаолиятми? Бу халқаро дипломатик конвенцияда ёзиб қўйилган.

Француз маъмурларининг бу ҳаракати Совет — Франция муносабатларини ёмонлаштиришга атайлаб йўналтирилган бўлиб, буни бошқача изоҳлаш мумкин эмас.

Франциядаги баъзи матбуот органларида бизнинг Москвадаги француз ходимларига нисбатан жавоб чоралари кўрмаганлигимизни Совет Иттифоқи ўз «айбини» тан олганини билдиради, деб даъво қилинмоқда. Бу беҳуда гапдир. Бизнинг ҳаракатларимизни ким ана шундай талқин этар экан, у совет ташқи сиёсатини тушуниб етмаганлигини кўрсатади. СССРда ишлаётган французларга нисбатан жавоб чораларини қўлланиш ҳаммадан ҳам осон иш. Биз вазминлик қилиб, Совет — Франция муносабатларининг кенг манфаатларига риоя қиляпмиз, узоқ вақт давомида қарор топган ва биз қадрлайдиган Совет — Франция муносабатлари кенг манфаатларига, Европада кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш манфаатларига риоя қиляпмиз.

Лекин бу, бирон-бир жойда бизнинг чет эллардаги ваколатхоналаримизда ишлаётган совет дипломатлари ва бошқа ходимларига нисбатан қилинадиган ўзбошимчаликка бефарқ қараймиз, деган гап эмас.

**Р. Аугштайн.** Ҳа, бу ўринда сизлар инжилдаги бир юзингга урса, иккинчи юзингни тутиб бер, деган тавсияга мувофиқ ҳаракат қилибсизлар деса бўлади.

**Ю. В. Андропов.** Ундай эмас. Биз инжилдаги шахсларга ўхшамаймиз. Биз оқилона сиёсий ҳисоб-китобга Совет — Франция муносабатларини ёмонлаштиришга йўл қўймасликка интилишга амал қилдик ва биз ана шу масалада маҳаллий тор можародан кўра кенгроқ назар ташладик.

**Р. Аугштайн.** Инжилдаги сюжетлар тилга олинган экан, мен қуйидагиларни айтмоқчиман. Президент Рейган диндорлар олдида сўзга чиқиб, Совет Иттифоқини «ёмонликнинг манбаи» деб атади. Сиз бу баёнотга жавобан ўз фикрингизни айтдингиз. Лекин мен шуни сўрамоқчиман: ана шундай вазиятда умуман оқилона ва муваффақиятли музокаралар бўлиши мумкинми?

**Ю. В. Андропов.** Биз ваъзхонликка эътибор бермайдиган реалистлармиз. Агар Рейган ўзи қўйган айблардан ташқари қурол-яроғларни қисқартириш масалалари бўйича бизнинг ҳеч бўлмаса битта конкрет таклифимизни қабул қилса, ёки унинг ўзи биронта мулоҳазали, мақбул таклиф киритса биз унинг, юмшоқроқ қилиб айтганда, қуруқдан-қуруқ баёнотини ҳам кечирган бўлур эдик. Чамаси французлар ҳар ким ўзи билган тилда гаплашади, деб таъкидлаганларида ҳақ бўлсалар керак.

**Р. Аугштайн.** Ҳатто Шарққа нисбатан айб Ғарбда ва Ғарбга нисбатан айб Шарқда бўлиб кўринган тақдирда ҳам, камдан кам ҳолларда фақат бир томон ёмон ва айбдор бўлади. Шу муносабат билан мен қуйидагини сўрамоқчиман: Афғонистон масаласи халқаро муҳитни бузаётганлигини Совет Иттифоқи англаб етадими — бундай аҳволни бартараф этиш режалари борми?

**Ю. В. Андропов.** Саволингизнинг биринчи қисмига жавоб қилиб шуни айтаманки, албатта англаб етамиз. Афғон проблемасини сиёсий ҳал қилиш планларимиз сир эмас. Биз уларни кўп марталаб ҳаммага баён қилиб бердик. Бу ҳақда Леонид Ильич Брежнев ҳам гапирган эди. Афғонистон ишларига ташқаридан аралашиш тўхтатилиши биланоқ ва бу аралашишнинг қайтадан бошланмаслиги гарантияланиши биланоқ биз қўшинларимизни олиб чиқиб кетамиз деб ҳисоблаймиз. Бизнинг қўшинларимиз ана шу мамлакатда ўша вақтда ҳокимият устида турган қонуний афғон ҳукумати илтимоси билан турибди ва улар Б. Кармал бошчилигидаги қонуний ҳукумат илтимосига биноан турибди. Биз ўзимиз учун у ердан бирон наф излаётганимиз йўқ. Қўшни дўстона мамлакатнинг ёрдам тўғрисидаги илтимосига жавоб қилдик. Лекин, бизнинг бевосита жанубий чегарамизда нималар бўлаётганлиги биз учун бефарқ ҳам эмас. Вашингтоннинг ўзи ҳам Никарагуада қандай ҳукумат бўлиши зарурлиги ҳақида бу АҚШнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор деб фикр юритишга ўзини ҳақли деб ҳисоблаяпти. Лекин Никарагуа АҚШдан минг километрдан ҳам зиёд узоқда жойлашган. Бизнинг эса Афғонистон билан узоқ масофага чўзилган чегарамиз бор. Хуллас, биз дўстларимизга ёрдам кўрсатиб шу билан бир вақтнинг ўзида ўз хавфсизлигимиз манфаатларини таъминлаш тўғрисида ҳам ўйлаяпмиз.

Ҳозир, Афғонистон билан боғлиқ проблемаларни бартараф этиш тўғрисида сиёсий музокаралар олиб борилмоқда. Тўғри, бу музокаралар жуда қийин ўтяпти. Айтиш мумкинки, покистонликларни уларнинг океан ортидаги дўстлари ушлаб туришибди. Шунга қарамай биз БМТ Бош секретари вакили ёрдамида олиб борилаётган бу музокаралар олдида қандайдир истиқбол бор деб ҳисоблаймиз.

**Р. Аугштайн.** Яна ўртача олисликка учириладиган ракеталар масаласига қайтмоқчиман. Ҳарна бўлса-да американиклар бундай ракеталарни ГФРга жойлаштирсалар, Сиз Европадаги ядро қуроли тўғрисида АҚШ билан музокарани давом эттирасизми?

**Ю. В. Андропов.** Воқеаларнинг бундай бориши фақат Европадагина эмас, балки бутун дунё миқёсида вазиятни ёмонлашув томон кескин ўзгартириб юборган бўлур эди, деб совет томони бир неча бор таъкидлади. Шунга мувофиқ бизга зарур қарорлар қабул қилишга тўғри келур эди.

**Р. Аугштайн.** ГФРда жуда кўп одамларни ташвишга солаётган яна бир масала бор: маълумки, баъзи социалистик мамлакатларнинг ташқи қарзи ҳозир жуда хавфли даражада кўпайиб кетди. Тангликнинг чуқурлашувига йўл қўймаслик учун бу ўринда қандай йўл тутиш мумкин? Ахир биз Европада ҳаммамиз бир-биримизга боғлиқмиз-ку.

**Ю. В. Андропов.** Гап суверен давлат тўғрисида бораётганлиги учун мен фақат шуни айта оламанки, вужудга келган проблемалардан қутилишнинг йўлини излаш — бу ҳар бир мамлакатнинг суверен ишидир. Агар гап ГФР ўз томонидан нималар қилиши мумкинлиги тўғрисида борадиган бўлса, мен фақат бир нарсани — «санкциялар» билан шуғулланмай, савдо-сотиқ қилинг, иқтисодий муносабатларни ривожлантиравиринг, деб маслаҳат қилишим мумкин.

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## МИТТИ ЭҲМ

ГАВАНА. Бундан 10 йил муқаддам биронта ҳам электрон ҳисоблаш машинасига эга бўлмаган Куба ҳозирги вақтда шундай техникани яратишда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг актив шеригидир. Куба компьютерлардан фойдаланиш асосида қанд саноати учун автомат бошқариш системасини вужудга келтириш ишларини мувофиқлаштириб турибди.

Бошқа социалистик мамлакатлар мутахассислари билан ҳамдўстликда яратилаётган митти электрон-ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқаришда ҳам Куба катта муваффақиятларга эришди. Бу энг янги машина технология жараёнларини бошқаришни, асбоб-ускуналарни синаб кўришни енгиллаштиради.

## ВАЛЬДЕК РОШЕ НОМИДА

ПАРИЖ. Париж чеккасидаги Курнев шаҳри марказий кўчаларидан бирига Франция ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби Вальдек Роше номи қўйилди.

Франция Компартияси Сиёсий бюросининг аъзоси Гастон Плисонье шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда гапириб, Вальдек Роше нацизмга қарши курашга катта ҳисса қўшганлигини, ФКП сиёсий йўлини ишлаб чиқишда катта роль ўйнаганлигини таъкидлаб ўтди.

МОЗАМБИК. Ҳар куни Мапуту портига жаҳоннинг турли мамлакатлари байроғи остида кўп сонли кемалар келиб туришади. Бу кемаларни биринчи бўлиб совет лоцманлари кутиб олишади. Улар ҳар қандай табиий шароитда ҳам пассажир лайнерлари, танкер, юк ва контейнер ташувчи кемаларни Мозамбик Халқ Республикасининг бош денгиз қирғоғигача кузатиб киришади.

СУРАТДА: совет лоцманлари группасининг бошлиғи М. Соколов мозамбиклик капитанлар Ж. Ненсембе ва С. Ниянтомболар (ўнгда) билан бирга.

ТАСС фотохроникаси.

## ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Ғарбий Берлин жамоатчилиги сўнгги 30 йил ичида бу шаҳарда «ортиқча кишилар» армияси рекорд даражага етганлигидан жиддий ташвиш чекмоқда. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда жами рўйхатга олинган ишсизлар 90 мингдан кўп кишига ёки меҳнатга қобилиятли бутун аҳолининг 11,3 процентига етган.

Шаҳар маъмурларининг иш билан таъминлаш юзасидан чоралар кўриш борасида берган ваъдаларига қарамай бу кўрсаткич шу йилданоқ анча ошади. Бу ерда бўлиб ўтган «иқтисодий симпозиум» қатнашчиларининг эҳтиёткорлик билан қилган ҳисоб-китобларига кўра, яқин ойлар ичида ишсизлар яна 11—12 процент кўпаяди ва 100.000 кишидан ошиб кетади.

* * *

Исломободдан олинаётган хабарларга қараганда, Покистоннинг энг катта шаҳри —Карочида диндорлар ўртасида яна тўқнашув юз берган. Шаҳардаги бир қанча кварталларда сунний ва шиа диний қабилалар вакиллари ўртасида тўқнашувлар бўлган. Полиция кўп минг кишилик ур-тўполонни бостириш учун таёқчалар ва ичига кўздан ёш оқизувчи газ тўлдирилган гранаталардан фойдаланган. Маъмурларнинг буйруғи билан шаҳарга доимий қўшинлар бўлинмалари киритилган.

∴ ∴ ∴

Пойтахтда Токио шаҳрини ва унинг атрофидаги шаҳарларни ўз ичига олган Япония префектурасининг аҳолиси 1983 йилнинг биринчи январида 19.479.125 кишига етган. Бу бир йил аввалгига қараганда қарийб 48 минг киши кўпдир, дейилади Токио муниципалитети статистика бюросининг хабарида.

## 30 МИНГИНЧИ ВАГОН

БЕРЛИН. Галле округининг Дессау шаҳридаги вагонсозлик корхонаси меҳнаткашлари совет буюртмачиларига 30 мингинчи рефрижератор— вагонни топширдилар. Дессау вагонсозлари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида шундай вагонлар ишлаб чиқариш учун ихтисослашмоқдалар. Улар чиқараётган маҳсулот бугунги кунда 15 та мамлакатда яхши маълумдир. Совет Иттифоқи ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан буён шу корхона буюмларини олиб турибди. Бу йил СССРга ўтган йилдагидан ортиқ 100 вагон жўнатилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ ҚОШИДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА КЎМАКЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИ

# ВЕТЕРАН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА КЎМАКЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ САЙЁРА УМАРОВНА СУЛТОНОВА.

№ 6

## УМУМИЙ ЖАМҒАРМАМИЗ

Бундан 20 йил илгари Фрунзе район социал таъминот бўлими қошида пенсионерлар совети тузилган эди. Ўша пайтдаёқ унинг ташаббуси билан ўзаро ёрдам кассаси ташкил этилган. Ана шу хайрли ишни бошлаган Некрасов, Вайнберг, ака-ука Мирсалимовлар, Сигарев ва бошқаларнинг номларини эндиликда ҳурмат билан тилга оламиз.

Ҳозир касса ҳисобида анчагина маблағ бор. Пенсионерлар ариза берган кунлариёқ ўн ой муддат билан 300 сўмгача қарз олишлари мумкин. Шу туфайли кўпчилигимиз дам олишга бориш, уй-жойимизни ремонт қилиш, маиший жиҳозлар харид этиш имкониятига эгамиз.

Умумий йиғилиш қарорига кўра, қарзларни ўз вақтида тўловчи фаол пенсионерларни мукофотлашга минг сўм сарфланди. Улар ўзаро ёрдам кассасига анчагина аъзолик взнослари тўлашган эди. Кассамиз зилзиладан зарар кўрган Газли шаҳрини тиклаш фондига 200 сўм ўтказган.

Бизнинг ўзаро ёрдам кассамиз тасдиқланган устав ва ҳар йили умумий йиғилишда тасдиқланадиган иш плани асосида ишлайди. Унга анча вақтдан бери қарилик бўйича пенсионер «Госбанк»нинг собиқ ходими Е. Австрелина раҳбарлик қиляпти.

Касса аъзолари орасида фақат Фрунзе райони пенсионерларигина эмас, балки бошқа районларда яшовчи кишилар бор.

**Д. ЖАЛЯЕВА,**
**пенсионер.**

• БОШЛАНГАН МАВЗУГА ҚАЙТИБ

## ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАРТИБСИЗЛИК

ЁКИ 14-«АВТОТУРИСТ» МАГАЗИНИДА УРУШ ИНВАЛИДЛАРИ ВА ҚАТНАШЧИЛАРИГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШАЁТГАНИ ХУСУСИДА.

**Кейинги пайтда икки марта «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари саҳифасида 14-«Автотурист» магазинида уруш инвалидлари ва қатнашчиларига ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишаётгани, шина олиш учун ташкил этилган имтиёзли навбатни пештахта ходимларининг ўзлари чалкаштиришаётгани тўғрисидаги масала кўтарилган эди. Бироқ, ҳалигача кўрсатиб ўтилган масалалар юзасидан зарур чоралар кўрилмади. Редакцияга ҳамон келаётган хатлар шундан далолат беради. Иккинчи группа инвалиди Н. Зуевнинг хабар қилишича, у 1982 йилнинг август ойида «Запорожец» учун автошина олиш ниятида Фарҳод ярмаркасидаги автомагазинга мурожаат этган. Бу ерда уни уруш қатнашчиларининг имтиёзли навбатига ёзиб қўйишган.**

**Етти ой ўтди, лекин у шу пайтгача автопокришка олмади. Ҳолбуки, бу даврда магазинга бир неча бор шиналар келган. «Магазин директорининг айтишича, имтиёзлар рўйхатидан шинага муҳтож инвалидлар танланиб, улар биринчи навбатда таъминланар эмишлар,— деб ёзади хат автори.—Шундай бўлса мен нега шунча вақтдан бери кутаман?»**

**Мана иккинчи шикоят. Уни «Жигули» маркали автомобиль учун шина ололмаётган уруш қатнашчиси И. Каимов ёзган. И. Каимов аввал автопокришка олиш учун «Авторемфилиал» (Куйбишев шоссесида)га мурожаат этган. Бу ерда уни имтиёзли навбатга ёзишган. Анча вақтдан кейин 14-магазинга йўллашган. «Автотурист»да қисқагина жавоб қилишди: турар жойингиз бўйича «Авторемфилиал»га мурожаат этинг. «Мени қачонгача сарсон қилишади? Ахир мен пенсионерман, зўрға қадам босаман», деб таажжубланади собиқ фронтовик.**

**Редакция олган сигналлар бўйича магазинда рейд текшириши ўтказди. Унда қуйидагилар аниқланди.**

...Биз рейдни кичкина тажрибадан бошладик. Биз билан биргаликда бўлган уруш қатнашчиси И. Тяпугин автошина олувчиларнинг имтиёзли рўйхатига ёзилишга уриниб кўрди. Унга шундай дейишди: «Эртага келинг, чунки бугун рўйхатларни олиб борувчи директор ўринбосари Одиловнинг дам олиш куни». Кейин маълум бўлишича худди шу пайтнинг ўзида магазиннинг орқа эшигидан Мавжуда Хидирова деган кимса иккита автопокришкани олиб чиқиб кетаётган экан. Бунга директор О. Юнусов оғзаки рухсатнома берган экан. Ўринбосар Одилов бўлмаса ҳам магазин ходимлари одат бўлиб қолган «тартиб»га кўра бу аёлнинг фамилиясини уруш инвалидлари ва қатнашчилари рўйхатига олинадиган дафтарга ёзиб қўйишган. Ваҳоланки, у уруш қатнашчиси гувоҳномасини кўрсатгани йўқ. Кўрсата олмас ҳам эди, чунки уруш қатнашчиси бўлмаган.

Ўнг қўлнинг чап қўл билан нима иши бор, деган мақол бор. Бир томондан «Узспорттορг» раҳбарлиги ветеранлар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаяпти — 14-магазинда ҳам, «Авторемфили а л»да ҳам улар учун уй адреслари бўйича билдириш хати орқали алоҳида хизмат кўрсатиш ташкил этилган. Кексалар бекорга овора бўлмасликлари учун шундай қилинган, автопокришкаларнинг қатъий фонди, яъни олинадиган умумий резинанинг 40 проценти ажратилган. Айни пайтда навбатга риоя этилмаяпти, «қатъий фонд» эса ўнгга ҳам, сўлга ҳам ошириб юборилияпти. Уруш инвалидлари ва қатнашчиларини ҳисобга олиш дафтари 1982 йилда ва шу йилнинг биринчи кварталида пала-партиш тутилган. Шундай пайтлар ҳам борки, рўйхат бир вақтнинг ўзида бир нечта журналларда қайд қилинган. Рўйхатдан ўтган киши бир неча ойдан кейин келиб навбатини сўраса, унга нохуш хабарни етказишган: сизнинг фамилиянгиз журналда қайд этилмаган. Кейин бирдан аён бўлиб қоладики, унинг навбати пештахта ходими қўлидаги журналда эмас, балки бошқасида бўлади. Можаро ҳал этилгандек бўлади, лекин киши бу ердан кайфияти бузилиб, таҳқирланиб чиқиб кетади.

«Москвич» учун шина олувчилар имтиёзли навбатида турганлар рўйхатида ўтган йилнинг 25 февралидан то шу кунгача 112 та тўлдирилмаган бандни кўрдик. «Запорожец» ва «Жигули» учун имтиёзли навбатда турганлар рўйхатида 34 та. Уларда гувоҳномалар номери кўрсатилиши лозим эди. Чунончи, Т. Зиямуҳамедов фамилияли кимса гувоҳномасини кўрсатмасдан 16 февраль куни навбатга турган ва ўша куниёқ керакли нарсани олган. Ҳ. Қурбонгалиева, А. Камишников, И. Ишченко, А. Даминов, Т. Ғиёсов ва бошқалар ана шунақа савдо операцияси учун бор-йўғи бир неча соат сарфлашган.

Биз шунга ўхшаш 200 тага яқин хатни ҳисобга олдик. Ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва овлаш бўйича бошқармага «Москвич» учун олтита баллон сотилган. Бироқ, эслатиб қўйиш керакки, шиналарни ташкилот эмас, балки хусусий киши — А. Григорьянц олган. Имтиёзли фонддаги автошиналар спортсменларга, узундан-узоқ рўйхати тузилган ташкилотларга ва ҳатто қишлоқ жойларида яшовчи шахсларга сотилган. Бу ишдаги пала-партишлик оқибатими? Балки бу магазин ёнғинасидаги кўплаб чайқовчиларга қўл келиши учун қилинаётгандир.

14-магазин директори О. Юнусов тақдим этган справкага кўра уруш ветеранлари ўтган йили 40 процентдан анча ортиқ автошина олишган. Ўзимиз кўрганимиздек амалда бундай эмас.

«Узспорттоrг» директори М. Аминов анча вақт торг раҳбари сифатида ушбу масалада ўзи томонидан қандай таъсирчан чоралар кўрилиши лозимлигини тушунмаётгандек бўлиб юрди. Ваҳоланки, биз уни редакция олган шикоятлар ва рейдимизнинг айрим материаллари билан таништирган эдик. Мана бир неча эслатишлардан кейин, у редакцияга Н. Зуев 18 мартда автошина олгани ва А. Каимов 14-«Автотурист» магазинида навбатга қўйилажаги ҳамда «Узспорттоrг»га бўйсунувчи барча савдо корхоналарига автошина сотилаётганда техника паспортига белги қўйиш шартлиги тўғрисида кўрсатма берилганлигини хабар қилди. Лекин нуқсонларга батамом чек қўйиш масаласига келсак— негадир бу тўғрида бир оғиз сўз дейилмаган.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида уруш инвалидлари ва қатнашчиларига хизмат кўрсатишни яхшилаш масаласи қўйилди. «Узспорт торг» магазинлари ишни худди ана шу талаблардан келиб чиқиб қайта ташкил этишлари керак.

**А. БРОНШТЕЙН,**
**штатсиз мухбиримиз.**
**Б. КРИВИЦКИЙ,**
**шаҳар халқ контроли комитети штатсиз бўлими мудирининг ўринбосари.**
**И. ТЯПУГИН,**
**уруш ветеранлари Совет комитетининг Тошкент секцияси вакили.**
**В. ЛАПИНА,**
**«Тошкент оқшоми» мухбири.**

## «Ветеран»нинг справкалар бюроси

**А. КОМИЛОВ: Социал таъминот бўлими орқали «Запорожец» енгил автомобили қанча муддатга берилади? Ана шу машина учун эҳтиёт қисмларни қайси ташкилотдан олиш мумкин?**

**Жавоб:** Қўл билан бошқариладиган «Запорожец» автомобили инвалидларга етти йил муддатга берилади ёки сотилади. Шу муддат тугагандан кейин инвалидлар яна врачлик-меҳнат экспертиза комиссияси (ВТЭК)дан ўтадилар. ВТЭКда уларнинг қўл билан бошқариладиган автотранспортга муҳтожликлари аниқланади.

«Запорожец» автомобилига эҳтиёт қисмлар олиш учун Запорожье область спорт товарлари идорасига хат орқали мурожаат этиш лозим. Адреси: Запорожье шаҳри — 6, Рекордная кўчаси, 2-уй.

Эҳтиёт қисмларга буюртма бериш бланкасини автомобиль эгаси ўзи яшаб турган жойдаги энг яқин почта бўлимидан олиши мумкин. Қўшимча маълумотларни ўзингиз яшаб турган жойдаги район социал таъминот бўлимига мурожаат этиб, билиб олишингиз мумкин.

* * *

**Қ. БОЗОРБОЕВА: Уч йилдан бери «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаяпман. Ўн фарзандимни вояга етказганимдан кейин ишга кирганман. Мен неча ёшда пенсияга чиқишим мумкин? Иш стажим қанча бўлиши керак?**

**Жавоб:** Аёллар 55 ёшга тўлганда камида йигирма йил иш стажи бўлганда қарилик пенсияси белгиланади. Беш ёки ундан ортиқ болани саккиз ёшгача тарбиялаган аёлларга имтиёзли асосда 50 ёшга тўлганларида камида 15 йил иш стажи билан қарилик пенсияси тайинланади.

Кўп болали оналарга тўлиқсиз стаж билан қарилик пенсияси камида беш йил иш стажи бўлганда белгиланади. Демак, Сизнинг ҳозирги иш стажингиз уч йил бўлгани учун яна икки йил ишлаб, 55 ёшга тўлгач, пенсия белгиланиши учун мурожаат этишингиз мумкин. Пенсия иш стажингизга пропорционал равишда белгиланади.

* * *

**И. ҒУЛОМОВА: Менга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвони берилган. Ишлаётган пайтимда ойлик маошимга 10 сўм қўшиб тўланар эди. Эндиликда пенсия 120 сўм қилиб белгиланган. Мени қизиқтирган нарса шуки, мен билан бир пайтда пенсияга чиққан унвони йўқ ўқитувчилар ҳам 120 сўм олишяпти. Нима учун мен ишлаётган пайтимда маошимга қўшиб берилган 10 сўм пенсияга қўшиб берилмайди?**

**Жавоб:** Амалдаги қонунларга мувофиқ, қарилик пенсиясининг максимал миқдори барча қўшимчалар билан 120 сўмдан ошиб кетмаслиги керак. Яқинда жорий этилган 20 процентли қўшимча ҳам ҳисобга олинганда эса ойига 132 сўмдан ошиб кетмаслиги лозим.

## ПЕНСИЯГА ЯНГИ ҚЎШИМЧА ҲАҚИДА

**Ушбу масалани Ўзбекистон ССР Социал таъминот министри Сайёра Умаровна Султонова шарҳлайди.**

Министрликка ва редакцияга келаётган хатларга кўра, кўпгина тошкентликларни бир корхона, муассаса, ташкилотда узлуксиз ишлаганлик учун қарилик пенсиясига 20 процентли қўшимча белгилаш бўйича ишларнинг амалий натижалари қизиқтиради. Бу натижалар ҳозирнинг ўзида сезиларли бўлганини айтиб ўтиш керак. Бугунги кунда имтиёзли қўшимча ҳисобига 35 мингга яқин пенсионернинг моддий аҳволи яхшиланди. Ҳужжатларни расмийлаштириш эса давом этяпти.

20 процентли қўшимчани расмийлаштириш билан боғлиқ қатор масалалар юзасидан СССР меҳнат ва социал масалалар бўйича Давлат комитети ва ВЦСПС Секретариати томонидан республика Давлат Социал таъминот министрлигига қўшимча тушунтиришлар берилди. Жумладан, шу нарса ойдинлаштирилдики, ишчи ёки хизматчи бўлиб узлуксиз ишлаганлик учун қўшимча, давлат, жамоат ёки кооперативнинг қайси корхонаси, муассасаси, ташкилотида узлуксиз стаж ўтганлигидан қатъий назар, шу жумладан, боғдорчилик ширкати, уй-жой қурилиши ва гараж қурилиши кооперативларида ишлаганлик учун, агар бу кооперативларнинг Низоми (Устави) белгиланган тартибда рўйхатга олинган бўлса белгиланади.

Бир корхонада узлуксиз ишлаганлик учун қўшимча иш ўриндошлик йўли билан бажарилган ҳолда ҳам белгиланади. Бунда: агар талаб этиладиган бутун 25 йиллик узлуксиз стаж (болали аёллар учун — 20 йил) бир корхонада ўриндошлик билан ишлашга тўғри келса, айни пайтда асосий иш жойида узлуксиз стажнинг бундай давомийлиги бўлмаса ҳам қўшимча белгиланади.

Колхозларнинг раислари, мутахассислари, бош бухгалтерлари ва механизаторларининг 20 процентли қўшимча олиш ҳуқуқини берувчи стажлари сифатида уларнинг бир колхоздаги узлуксиз ишлари ҳисобланади. Колхоз мулки ва ери совхозга берилиши муносабати билан унга доимий ўтиб ишлаганда узлуксиз стаж сақланади. Сайлаб қўйиладиган, озод қилинган партия, касаба союз, комсомол ишларигина эмас, балки давлат, жамоат ва кооператив ташкилотларидаги, шу жумладан колхозлардаги матлубот кооперациясидаги сайлаб қўйиладиган лавозимли ишлар стажни узмайди ва унга қўшилади.

Йўллар министрлигининг бир темирйўли турли бўлинмаларидаги иш, агар ходимнинг бир бўлинма (корхона)дан шу темир йўл таркибига кирувчи бошқа бўлинмага ўтиши, темир йўл бошлиғи фармойиши билан амалга оширилган бўлса, қўшимча олиш ҳуқуқини берувчи стажни узмайди. Метрополитен ёки саноат бирлашган темир йўл транспорти таркибига кирувчи корхоналардаги узлуксиз стажнинг сақланиши ҳам юқоридаги тартибда ҳал этилади.

Стажи бир нечта мактабдаги ишдан таркиб топган ўқитувчилардан 20 процентли қўшимча белгиланишини сўраб кўплаб аризалар тушяпти. Шу муносабат билан тушунтириб ўтамизки, ўрта умумий таълим мактабининг Уставига мувофиқ ўрта, саккиз йиллик ва бошланғич мактаблар юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиб, мустақил ўқув юрти ҳисобланади. Шу сабабли бир мактабдан бошқасига ўтиш, шу жумладан район ёки шаҳар халқ маорифи буйруғи билан ўтиб ишлаш стажни узиб қўяди.

Қишлоқ жойларда ишловчи медицина ходимларига келсак, буларнинг иши бошқача, Район марказий касалхонасига алоҳида бирлик ҳуқуқи билан поликлиникалар, соғлиқни сақлаш пунктлари, тез ёрдам, стационарлар, кўчма амбулаториялар кириши мумкин. Шу боисдан ана шундай бир муассасадан бошқасига ўтказилганда, узлуксиз стаж сақланади. Айни пайтда район марказий касалхонасига мустақил медицина муассасалари бўйсиниши мумкин, район касалхонаси буларга нисбатан район соғлиқни сақлаш бўлими функциясини бажаради. Бу ерда бир муассасадан бошқасига ўтказилганда иш стажи узилади.

Қўшимча белгиланиши учун бир корхона, муассаса, ташкилотдаги узлуксиз ишлашдан ташқари, қарилиги учун пенсия тайинлашда талаб қилинадиганидан 10 йил ортиқ умумий иш стажи бўлиши лозим. Чунончи, болалари бўлган аёл бир корхонада 20 йил ишлади дейлик. Агар унинг умумий иш стажи 30 йилдан кам бўлмаса 20 процентли қўшимча олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кўпинча шу ўттиз йиллик даврнинг қандайдир қисми гувоҳлар кўрсатуви билан тасдиқланиши мумкинми деб сўрашади. Пенсия қонунчилиги фақат пенсия белгиланиши учун етишмаётган иш стажини гувоҳлар кўрсатуви билан тасдиқлаш имкониятини белгилайди.

Янги қўшимча жорий этилиши муносабати билан илгари ишлашни тўхтатган кўпчилик пенсионерлар яна ишлай бошлашди. Улар бир корхона, муассаса ёки ташкилотда тўрт ой ишлагандан кейин қўшимча олиш ҳуқуқига эга бўлишади. Ана шу тўрт ойлик муддат фақат битта корхонада ишланган бўлиши керак.

• СОЦИОЛОГ КУЗАТИШЛАРИ

## ПЕНСИЯДАГИ ТУРМУШ ТАРЗИ

Бизнинг мамлакатимизда ҳар саккиз кишининг бири — 35 миллион қарилик бўйича пенсионер бор. Кексалар пенсия ёшига етгач (эркаклар — 60 ёшда ва аёллар — 55 ёшда), бу ҳуқуқдан қандай фойдаланиш лозимлигини ҳал этишади. Меҳнат фаолиятини давом эттириш керакми ёки тўхтатиш лозимми — бу амалда

**ПЕНСИЯГА ЧИҚАЁТГАН КИШИ НИМАГА ЭГА БЎЛАДИ ВА НИМАНИ ЙЎҚОТАДИ,**

деган саволнинг ҳал этилишидир.

Бу саволга узил-кесил жавоб топиш осон эмас. «Оптимистлар»— руҳи тушмайдиганлар (пенсияга чиқишни ижобий кутиб олаётган кишиларни шундай деб атаймиз) ва «пессимистлар» — руҳи тушганлар (пенсияга чиқишда фақат салбий жиҳатларни кўрувчилар) ишни тўхтатгандан кейин ўз аҳволларининг ўзгаришига турлича баҳо беришади Биринчилари яхши бўлади дейишса, иккинчилари ёмонлашади деб меҳнат фаолиятларини имкони борича узоқроқ тўхтатмасликни афзал кўришади. Айрим кишилар учун пенсияга чиқиш «оилага кўпроқ фойда келтириш имкониятини» билдирса (бунда уй хўжалигини юритиш, беморларни парвариш қилиш, набираларни тарбиялашда кўпроқ қатнашиш назарда тутилади), бошқалари эса пенсионерлар «уй ишларига кўмилиб кетишади» деб ҳисоблашади.

Эркаклар ва аёлларда пенсияга чиқиш олдидан кутилган натижалар «оптимистлар» ўртасида ҳам бир-биридан анча фарқ қилади. Масалан, аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ саломатлигимиз мустаҳкамланади, дам олиб пенсия гаштини сурамиз, деб ўйлашади. Эркаклар эса эндиликда ўзлари қизиққан машғулотлари ва жамоат ишлари учун имконият туғилганидан хурсанд бўлишади. Эркаклар турмуш тарзларидаги режим ўзгаргач, кучқувватдан қолишдан хавфсирашади, аёллар эса уйдаги ишнинг кўпайиб кетишидан қўрқишади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзларини пенсияга тайёрлашда «оптимистлар» ҳақиқатга яқинроқ эканлар. Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, сўралган кишиларнинг 34 проценти саломатлиги ёмонлашишидан хавфсираган бўлса, фақат 12 проценти ишни тўхтатгандан кейин албатта шундай бўлишини тан олган. Кишиларнинг 36 проценти пенсияга чиққандан кейин моддий қийинчиликлар вужудга келади деган бўлса, 20 проценти амалда шундай бўлишини таъкидлаган. Кишиларнинг 23 проценти ёлғизланиб қолишини ўйлаган бўлса, фақат 8 проценти амалда яккаланиб қолган.

Умуман аёллар эркакларга нисбатан пенсияга чиқишдан мамнунликларини изҳор этишган (бу процентларда 66 ва 61 процентни ташкил этади). Бу, айниқса, (кексалар болалар билан биргаликда яшаганларида) уй хўжалиги юмушларидаги иштироклари ўзгариши билан боғлиқ: агар бу аёлларнинг илгари бажарган ишлари анчагина ошишида кўринса, эркаклар эса ўзлари учун янги бўлган оилавий вазифани ўзлаштиришлари керак бўлади.

**«ЯККАЛАНГАН» БОБОЛАР ВА БУВИЛАР**

Пенсионерлар ва уларнинг болалари хўжаликни биргаликда юритувчи оилаларда баъзан болаларнинг худбинлигига дуч келинади. Улар кекса кишининг бирдан-бир қизиқиши оила бўлиши керак деб ўйлашади. Масалан, одамлар орасида пенсионер невараларини тарбиялашга жон-дили билан киришган киши бўлиши керак деган тасаввур юради. Лекин бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатишича, ўзини фақат неваралар тарбиясига бағишлаш мақсадида ишдан кетувчи кексалар проценти юқори эмас, ҳатто ишини тўхтатган кишилар орасида бундайлар бор-йўғи учдан бир қисмни ташкил этади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўпинча болалар пенсионер ота-оналарига хўжалик ишларини бажаришда у ёки бу ёрдамни кўрсатишади. Моддий томондан эса улар она-оталарини камдан-кам қўллаб-қувватлашади. Бу тушунарли албатта. Бизнинг мамлакатимизда қарилик бўйича социал таъминотнинг ягона системаси иқтисодий қарам бўлмай яшаш учун етарли маблағни беради.

Кексалар моддий ёрдамдан кўра болаларнинг маънавий қўллаб-қувватлашини юқорироқ баҳолашади. «Ўғлим ва қизим алоҳида яшашади, шунга қарамай кўпинча биздан хабар олиб туришади»; «Фарзандлар — маънавий суянчиқдир» дейишади. Кўпчилик фарзандлар ота-оналарининг қизиқишлари, ишқибозликлари, истаклари билан ҳисоблашишади. Уларнинг хоҳишларини қондиришга интилишади.

Фарзандлар ота-оналарининг ишни тўхтатганликларига қандай муносабатда бўлишади? Кўпчилиги — ижобий: айримлари шахсий манфаатларини ўйлаб, бошқалари ота-оналари кексалик гаштини суришаётгани учун.

**«ЎЗИМНИНГ СОҒЛОМ КИШИ ЭКАНИМНИ ҲИС ЭТАЯПМАН...»**

Табиийки, киши пенсияга чиққач, турмуш тарзи ўзгаради. Бўш вақти кўпайиб, уни ўзи севган машғулотларга сарфлаш имконияти пайдо бўлади. Кексаларни сокин дарё соҳилида ёки яқин-атрофдаги хиёбонда, кутубхона ёки кинотеатрда кўриш мумкин. Шуниси айниқса қувончлики, биз уларни касаба союзлари маҳаллий комитетларида ва илмий-техника жамиятларида, мактабларнинг ҳамда физкультура ва ота-оналар комитетлари ҳамда физкультура ва спорт бўйича жамоатчилик советларида учратамиз. Улар меҳнат фаолиятларини тўхтатган бўлишса ҳам турли жамоат ташкилотларида фаол ҳамкорлик қилаверадилар.

Пенсионерларни жамоат фаолиятига нима қизиқтиради? Мана, москвалик пенсионер, собиқ спорт тренерининг фикри: «Мен мусобақаларни ўтказар эканман, ёшлар ўртасида бўламан ва ўзимни соғлом спортчидек ҳис этаман. Энг муҳими, менинг физкультурачи танишларим кўп, улар билан учрашиш ғоят мароқли. Мен улар учун ҳамиша суҳбатлашиш мумкин бўлган «Костя амакиман». Қуйидагича фикрларни ҳам эшитиш мумкин: «эътибордан қолишни истамайсан», «ёшлар ўртасида бўлиш мароқли».

Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, геронтолог олимларнинг шаҳодат беришларича, актив фаолият кексаларнинг кўтаринки ҳис-туйғуларини, соғлиқларини яхши сақлаб туради. «Пенсия касаллиги» деб аталувчи касалликнинг олдини олади. Демак, кексаликни умрнинг оқшоми деб бўлмайди. Мақолада айтилганидек: «Қаринг-у, қаддингиз букилмасин».

**В. ШАПИРО,**
**фалсафа фанлари кандидати.**

• *Миннатдорчилик сўзлари*

## ЁҚИМЛИ ОҲАНГЛАР ЯНГРАДИ

Мен март ойида Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлигига қарашли республика пансионатида ҳордиқ чиқардим. Бу ерга Ю. Ражабий номидаги музика мактаби ўқитувчилари келиб концерт қўйиб беришди. Биз улар ижросидаги дилрабо халқ куйларини мириқиб тингладик.

Кексаларга шунчалик катта эътибор кўрсатилгани учун ташаккур.

**С. ХАЧРОВ.**

## БИЗНИ РАНЖИТИШМОҚДА

Кейинги йилларда Ленин районидаги Сарикўл маҳалласида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, маҳалла комитетига телефон ҳам туширилиб олишга муяссар бўлдик. Чунки ҳар бир маҳалла учун телефон сув билан ҳаводек зарур. Усиз маҳалла ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Масалан, маҳаллада биров бетоб бўлади ёки чироқ ўчиб қолиш ҳоли юз беради. Ана шундай кезларда телефон беминнат дастёр.

Аммо сўнгги ойлар ичида (91-15-50 номерли) телефонимиз ишламай қолди. Бу тўғрида райондаги ремонт бюросига мурожаат қилавериб чарчадик. Улар совуққонлик билан бизни ранжитишмоқда.

**Н. АБДУРАЗЗОҚОВ,**
**Сарикўл маҳалла комитетининг раиси, меҳнат ветерани.**

ВЕТЕРАНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

## ПАРВОЗГА ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

Учувчи «ПО—2» самолётини қуюқ ўрмон узра моҳирлик билан бошқариб борар экан, бирдан ялангликка чиқиб қолди. Пастга диққат билан разм солиб, бир группа немис солдатларига кўзи тушди. Самолётни тез юқорилатиб кетишнинг иложи йўқ...

Учувчи тезда бир қарорга келди: ер бағирлатиб учиш керак. Самолёт пастга шўнғиди. Душман солдатларини ваҳимага солиб, «вағиллаб» уларнинг устидан икки-уч метр баландликда учиб ўтди. Фашистлар пароканда бўлиб кетишди. Учувчи «пўлат қушни» моҳирлик билан яна баландлатиб, ўз полки жойлашган ерга эсон-омон етиб олди. Бу учувчи ўзбек йигити Ғафур Орипов эди. Воқеа 1942 йилнинг кузида бўлган.

Ғафур Орипов Улуғ Ватан урушининг охиригача жанг қилган моҳир учувчи. У 30-йилларда мамлакатимизда таралган «Комсомоллар авиацияга» чақириғига «лаббай» деб жавоб берди. Тошкент аэроклубига қатнай бошлади. 1935 йилда физкультура техникумини битириб, Тамбов шаҳридаги учувчилар мактабига жўнади.

— Ўшанда рус тилини яхши билмасдим. Спортчилигимни ҳисобга олиб «Рус тилини ўрганиб кетасан» деб мактабга қабул қилишди, — дея эслайди Ғафур Орипов. — Учувчилар мактабини битирганимдан кейин, 1940 йилда Фрунзе шаҳридаги ўқув эскадрильясига учувчи-инструктор қилиб тайинландим.

Уруш бошланиб қолди. Ғ. Орипов фронтга йўл олди. Сталинград мудофаасида қатнашди. Руминия, Болгария, Венгрия, Югославияни озод қилишда қатнашди. Жасур учувчи сифатида жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди.

Моҳир учувчи Улуғ Ватан урушидан кейин ҳам «ЛИ—2», «ИЛ—12», «ИЛ—14», «ИЛ—18», «АН—24» самолётларида парвоз қилди. Тинч қурилиш йилларидаги хизматлари учун Ленин ордени ва уч марта «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. Унга мамлакатимизда биринчилар қатори СССРда хизмат кўрсатган учувчи унвони берилган.

— Касбимни тўнғич ўғлим Эркин давом эттиряпти. У «ЯК — 40» самолёти командири, — дейди Ғафур ака фахр билан.

Мен бугунги кунда пенсия гаштини сураётган Ғафур Ориповни ёшлик пайтидан биламан. Унинг ҳаёт йўли ибратли. Ёшларимиз касбга бўлган садоқатни, ғайрат ва шижоатни, ахлоқ ва одобни, интизомни ана шундай дунё кўрган кишилардан ўрганишлари керак. Унинг қалби осмондек мусаффо.

**Ж. АБДУЛЛАЕВ,**
**меҳнат ветерани.**

**Халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар тайёрлаш факультети тингловчилари диққатига**

27 апрель соат 17.00 да:

1. «Замонавий босқичда миллий-озодлик ҳаракати» мавзуида лекция бўлади. Лектор — фалсафа фанлари кандидати **И. Рамазонов.**

2. «Жанубий-шарқий Осиёдаги аҳвол». Лектор — фалсафа фанлари кандидати **С. А. Йўлдошев.**

28 апрель соат 17.00 да лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати факультетида «Лекторлик маҳорати асослари» мавзуида лекция бўлади. Лектор — профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими **Л. А. Хўжаева.**

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

## ҚАШШОҚЛИК

80-йилларнинг бошлари капиталистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари учун уларнинг ҳаётий манфаатларига монополияларнинг янги тажовузкорлиги, социал тенгсизликнинг чуқурлашуви билан бошланди. Бу буржуа пропагандаси томонидан жуда мақталаётган «ялпи фаровонлик» жамиятида рўй беряпти. Кўплаб далиллар капиталистик мамлакатларда яшаш учун маблағи бўлмаган, чинакам қашшоқ турмуш кечираётган аҳоли табақалари кўплигидан дарак беради.

«Бостон глоб» газетаси январь ойидаги сонларидан бирида АҚШнинг йирик шаҳарларидан бири — Бостондаги бошпанасиз аҳоли учун суюқ овқат тарқатадиган пунктдан репортаж эълон қилди. «Қутқарув армияси» деб аталувчи хайр-эҳсон ташкилоти бу пункт очилиши тўғрисида олдиндан хабар бергани йўқ. Лекин шунга қарамай, эрта тонгданоқ шаҳар чеккасидаги кўримсиз бино томон ҳар тарафдан одамлар оқиб кела бошлади. «Бизнинг пунктга келувчилар — аввало қариялар, бошпанасизлар ва қаровсизлардир,— дейди унинг бошқарувчиси Т. Смит. —Уларнинг ҳаммаси очликда яшашади, шу сабабли текин овқат — улар учун ярим бахт».

Испаниянинг фақат Мадрид вилоятида 120 минг ҳеч кими йўқ қария бор. Социологик тадқиқотлар марказининг маълумотига кўра, улардан «32 проценти яшаш учун зарур бўлган расмий минимумдан кам даромадга эга. Салкам 29 проценти эса ҳеч қандай пенсия ёки нафақа олмайди». Натижада қариялар кўчага тиланчилик қилгани чиқишади...

АҚШ кекса гражданлари миллий кенгашининг шу йил февраль ойида эълон қилинган баёнотида айтилишича социал таъминот учун ажратмаларнинг қисқартирилиши «АҚШдаги миллионлаб қашшоқ кекса гражданларнинг кун кечиришини» хавф остида қолдиради. Ҳатто расмий шахслар Рейган маъмурияти фаолиятига салбий баҳо беришга мажбур бўлишяпти. Мана улардан бири — АҚШ сенатидаги демократик фракция лидери Р. Берднинг сўзлари: «Американликларга пенсияга чиққандан кейин ўртача кун кечириш қийин бўлиб қолди». «Ньюсуик» журнали унга қўшимча қилади: «АҚШ камбағаллари янада қашшоқлашяпти». Канада, Австралия ва бошқа капиталистик мамлакатларда ҳам социал таъминот учун харажатлар йил сайин камаймоқда.

**Р. ЦИВИЛЕВ,**
**юридик фанлари кандидати.**

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА

## «ВАСИЛИЙ БУСЛАЕВ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифлари — С. НАРОВЧАТОВ, В. ШУСТРОВ (Г. Васильева иштирокида).

Постановкачи-режиссёр — С. ВАСИЛЬЕВ.

РОЛЛАРДА: Д. ЗОЛОТУХИН, И. АЛЬФЕРОВА, Л. ХИТЯЕВА ва бошқалар қатнашадилар.

Машҳур совет шоири Сергей Наровчатов вафотидан олдин СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган «Василий Буслаев» достони эълон қилинган эди. Мазкур достонда буюк рус баҳодири ҳақидаги жуда кўп афсоналар тикланганди. Ақлли, оқкўнгил, саҳий бўлган Василий Буслаев жуда кўп яхши ишларни амалга оширган. У доимо ҳақиқат учун курашади. Василий Буслаев она-Ватанни, Русь, унинг шонли халқи учун кўксини қалқон қилиб ҳар қандай қаҳрамонликка тайёр бўлган шахс. Шоир С. Наровчатов ўзининг достонида В. Буслаев образини шоирона чизиб берган. Мазкур достон мотиви ушбу фильмга асос бўлган. Картина Василийнинг Новгороддаги ҳаёти, Византияга қилган юриши ва у ердан қаҳрамон бўлиб келиши ҳақида ҳикоя қилади.

Василий Буслаев очиқ жангда қўрқмас ва енгилмас эди. Уни фақат ёлғон ва айёрлик билан мағлуб этиш мумкин бўлган. Византия императори ва унинг маликаси мана шу фириб йўлига ўтади. Аммо, Василий Буслаев бу синовдан ҳам ғолиб чиқади. У ўлаётган князь ҳамда унинг қизини озод қилади. Василий князнинг соҳибжамол қизини қаттиқ севиб қолади.

Василий Буслаев Новгородга ғалаба ва севимли қайлиги билан қайтади.

М. Горький номидаги киностудия маҳсулоти.

# ТЕЛЕВИЗОР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Биноларни безатиш меъморчилик эстетикасига биноан, коллектив равишда фойдаланиладиган телевизион антенналарни қайта жиҳозлаш, капитал ремонт қилиш ва тартибга келтириш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Коллектив равишда фойдаланиладиган антенналар билан жиҳозланган уйларда шахсий ташқи антенналарни ўрнатиш қатъиян ман этилади.

Ўзбошимчалик билан коллектив равишда фойдаланиладиган антенналарга телевизорларини улаган ёки давлат ва комплекс уй-жой фондига қарашли уйларнинг томларига шахсий телевизион антенналарни ўрнатган кишилар давлат мулкига зиён етказганликлари учун қонунга биноан жавобгарликка тортиладилар.

Телевизорларни коллектив равишда фойдаланиладиган телевизион антенналарга улаш ишлари антенна хизмати мутахассислари томонидангина бажарилади.

Коллектив равишда фойдаланиладиган телевизион антенналардан фойдаланганликлари учун телевизор эгалари квартира ва коммунал хизмат ҳақидан ташқари ҳар ойда уй-жой идораларига 20 тийиндан абонент ҳақини тўлаб турадилар.

Телевизорларни коллектив равишда фойдаланиладиган антенналарга улаш ҳақидаги буюртмаларни Тошкент шаҳар «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмасининг антенна хизмати қабул қилади.

Унинг адреси: Тошкент шаҳар, Пионер кўчаси, 27-уй. Телефон 77-22-84.

216-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ЎҚУВ ИИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**пўлат ва темир-бетон конструкциялари монтажи бўйича монтажчи, ғишт терувчи, қурилиш дурадгори, дурадгор, қўлда пайвандлаш электр пайвандловчиси, қурилиш бўёқчиси, слесарь-сантехник (ички коммуникациялар), арматурачи-бетончи.**

Ўқиш муддати: 8 синф ҳажмида маълумот билан — 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумот билан — 1 йил ва 6 ой.

БИЛИМ ЮРТИГА ИИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Билим юрти битирувчилари ўрта маълумот ва билим юртини тугатгани ҳақида диплом оладилар.

**Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.**

**Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

8 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар овқат, кийим-кечак ва махсус кийим билан; 10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар билим юрти бюджетидан ойига 30 сўмдан ва ишлаб чиқаришдан 40 сўмдан стипендия билан таъминланадилар. Булардан ташқари, ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишланган маблағнинг 50 процонти тўланади.

Билим юртида касблар бўйича тўгараклар, техника ижодкорлиги, тасвирий санъат, фото, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртида ўқувчилар учун «В», «С» категорияси бериладиган, автомобилни бошқаришни ўрганиш 6 ойлик курслари очилган.

Имтиёзли диплом олганлар олий ўқув юртларига ўрта умумтаълим мактабларини олтин медаль билан битирганлар учун белгиланган имтиёзли шартларда кирадилар.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур:** директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда).

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 дан 17.00 гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви (25, 28, 29-трамвайларнинг «Сўнгги» бекати).

# ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 26/IV да **Князь Игорь**, 27/IV да **Спартак**, 28/IV да **Риголетто**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Келинлар қўзғолони**, 27/IV да **Аризасига кўра**, 28/IV да **Бой ила хизматчи**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/IV да **Қиёфалар ёки занжир** 28/IV да **Тўйдан олдин томоша**.

# ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 27/IV да **«Етти ажойиб масхарабоз» —Москва цирки усталарининг томошалари** (19.30).

# КИНО

**26 АПРЕЛДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ВАСИЛИЙ БУСЛАЕВ» — **Фестиваль** (ёзги, 21.20; телефон 32-78-01), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«КАЗАКЛАР ЗАСТАВАСИ» — **Хива** (21.20, телефон 32-78-02).

«ГРАЧЛАР» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ЭРКАКЛАРНИ АВАЙЛАНГ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«АЁЛЛАРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ҚАЙҒУЛАРИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИ ВА КИЧКИНТОЙ», «РЕВАНШ» — **Москва** (17, 20.30, телефон 33-05-01), **Санъат саройи** (16, 17, 18.15, 19.30, 20.30; телефон 44-21-74), **Дружба** (18, 20, 21.00; телефон 66-15-75).

«ШАҲАРНИ ЕПГАН КИШИ» — **Кўнча** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«КЕЛ, ТУРМУШ ҚУРАЙЛИК» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«СОЯБОН ЗАРБИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

**27 АПРЕЛДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ВАСИЛИЙ БУСЛАЕВ» — **Фестиваль** (ёзги, 21.20; телефон 32-78-01), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

КАЗАКЛАР ЗАСТАВАСИ» — **Хива** (21.20, телефон 32-78-02).

«ГРАЧЛАР» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ЕРҒЛИК ФОРМУЛАСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52.

«ЭРКАКЛАРНИ АВАЙЛАНГ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«АЁЛЛАРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ҚАЙҒУЛАРИ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«ПОЛИЦИЯ КОМИССАРИ ВА КИЧКИНТОЙ», «РЕВАНШ» — **Москва** (11, 14, 17, 20.30, телефон 33-05-01), **Санъат саройи** (11, 12, 13.30, 14.20, 16, 17, 18.15, 19.30, 20.30; телефон 44-21-74), **Дружба** (11, 12, 14, 15, 18, 20, 21.00; телефон 66-15-75).

«ШАҲАРНИ ЕПГАН КИШИ» — **Кўнча** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«КЕЛ, ТУРМУШ ҚУРАЙЛИК» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51).

«СОЯБОН ЗАРБИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

# БАРЧАГА ФОЙДАЛИ!

Ўсимлик мойи катта миқдордаги тўйимли ёғ кислоталари —биологик актив моддаларга эгаки, улар қон томирлари деворларига яхши таъсир кўрсатиб, уларнинг эластиклигини оширади ва нозиклигини камайтиради.

Пахта мойида фосфатидлар ҳам кўп. Улар қондаги холестерин моддасини камайтириш имконига эга, бу эса атеросклероз касаллигининг олдини олишда муҳимдир.

**Пахта мойи** — озиқ-овқат маҳсулотининг беқиёс тури бўлиб, уни барчанинг кундалик рационига, айниқса, катта ва кекса ёшдагилар рационига киритиш лозим.

Бир суткада кишига 15—20 грамм ўсимлик мойи зарур бўлади. Уни салат, винегрет ва закускаларга қўшган афзал.

Уни суюқ ва қуюқ овқатларга ишлатишга ҳозирланар экансиз, шуни ёдда тутингки, қаттиқ ва узоқ муддат давомида қиздиришганда мой ўз қимматли хусусиятларини йўқотади.

Айнан бир порция мойда узоқ муддат давомида пирожки, ўрама, пончик ва балиқ қовуриш тавсия этилмайди.

Ҳозир, янги сабзавотлар, қўқатлар чиққан вақтда ҳар куни салат тайёрлашга ҳаракат қилинг. Витаминлар яхши ҳазм бўлиши учун салатларни мой қўшиб тайёрланг.

**ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ:**

РЕДИСКАЛИ САЛАТ

Салат япроқлари ва кўк пиёзни тозалаб ювинг ва қирқинг. Редискани айлана қилиб қирқинг. Уларни бир идишга солиб, туз, майдаланган мурч қўшиб, устидан ўсимлик мойи қўйинг, аралаштиргач, ликопчаларга солинг ва майда тўғралган петрушка ва укроп кўкатидан сепинг.

**2 боғ салатга 2 боғ редиска, 5 дона кўк пиёз, 1 ош қошиқ сирка қўшилади.**

ПИЁЗ ВА ЎСИМЛИК МОЙИ ҚЎШИЛГАН ТУРПЛИ САЛАТ

Турпни ювинг, тозаланг ва майда тишли қирғичдан ўтказинг. Майда тўғралган пиёз, ўсимлик мойи, туз қўшиб аралаштиринг. Ликопчага солиб, қирқилган пиёз билан безанг.

**Ўртача катталикдаги турпга 2 бош пиёз, 3 ош қошиқ ўсимлик мойи, таъбга кўра туз қўшилади.**

ВИНЕГРЕТ

Картошка, сабзи ва лавлагини қайнатиб пиширинг. Сабзавотларни тозаланг ва ингичка қилиб тўғранг. Тузланган бодрингни кўндалангига 4 қисмга бўлинг ва ингичка қилиб қирқинг. тузланган карамнинг сувини силқитиб, лавр япроғи ва қалампири олиб ташланади. Сабзавотларни ликопчага солиб, юпқа тўғралган пиёз, туз, сирка ва мурч қўшилгач, ўсимлик мойи қўйилади ва аралаштиргач, майда қирқилган петрушка ва укроп кўкати билан безалади.

**5—6 дона картошкага 1 дона лавлаги, 3 та сабзи, 3 дона бодринг, 4 ош қошиқ карам, 3 ош қошиқ ўсимлик мойи, таъбга қараб сирка, туз ва мурч қўшилади.**

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

**Пахта мойини шаҳарнинг барча озиқ-овқат магазинлари ва гастрономларидан сотиб олишингиз мумкин!**

# ИСТЕЪДОДИ—СОТУВЧИ

Қизиқарли ва керакли касблар жуда кўп. Энг муҳими ана шуларнинг ичидан кўнглингизга маъқул бўлганини, Сизга қувонч бағишлайдиганини танлашдир.

Айтайлик, Сиз сотувчи бўлишга аҳд қилдингиз. Шундай қарор қабул қилиб, жуда тўғри қилгансиз. Бу касб кишиларга жуда керак.

«ТАШКУЛЬТТОРГ»НИЙГ 10-МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Бу ерда Сиз товаршунослик, экономика, совет савдосини ташкил этиш, совет ва меҳнат ҳуқуқи асослари бўйича билим оласиз. Ишлаб чиқариш таълими мастерлари раҳбарлигида иш кўникмаларини ҳосил қиласиз, бу кўникма кейинги фаолиятингизда керак бўлади.

**Ўқиш муддати — 6 ой.**

Мактаб-магазинга 8 — 10 синф маълумоти бўлган 16—25 ёшдаги йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Тошкентда пропискада бўлиш мажбурий.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 63 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.

**Мактаб-магазинга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак:** аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, меҳнат дафтарчаси (агарда бўлса), мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика, турар жойидан справка, иккита фотосурат (6х9 см.).

**МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.**

Справкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй (18, 23, 34, 50, 80-автобуслар, 2, 6, 11, 13, 16-троллейбуслар, 4, 9, 11-трамвайларда борса бўлади).

Телефонлар: 91-30-10, 53-47-24, 53-47-25.

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

# БАЙРАМ ДАСТУРХОНИНИ БЕЗАЙМИЗ

Тантанавор кўриниши учун дастурхонни қандай безаш керак? Одатда крахмалланган, яхшилаб дазмолланган оқ дастурхон ёзилади. Дастурхонни гул солинган ваза ва албатта, биллур буюмлар — конфетдонлар, пирожний, торт, мевалар, салат солинадиган идишлар, рюмкалар, бокаллар, фужерлар билан безатишади.

Мутахассисларнинг таъкидлашига кўра ичимликлар учун мўлжалланган биллур идишларнинг тўла набори 8 предметдан иборат бўлар экан: сиғими 200—250 грамм бўлган сув ва пиво ичиладиган фужерлар, шампанское ичиладиган сиғими 125 грамм бўлган конус шаклидаги узун бокал; қизил вино ичиш учун мўлжалланган сиғими 100—125 грамм бўлган лафит деб аталмиш рюмкалар, оқ мусаллас ичиш учун мўлжалланган сиғими 100 грамм бўлган рейнвейн деб аталмиш рюмкалар шулар жумласига киради. Десерт ва маркали ўткир виноларни қуйиш учун сиғими 75 грамм бўлган «мадерная» деб аталмиш рюмкалардан фойдаланилади. Ўткир ичимликлар учун эса 25—50 грамм сиғимга эга бўлган кичик рюмкалар ишлатилади. Коньяк қуйиш учун нок шаклидаги паст — 125 грамм сиғимли бокаллар қўлланилади. Биллур идишлар наборининг сўнгги претмети шарбатлар, мевали морс ва бошқа десерт ичимликлар учун мўлжалланган лимонад стакани ҳисобланади.

Шубҳасиз, биллур идишларнинг бутун набори байрам дастурхонига қўйилмайди. Бу дастурхонга тортиладиган таомларга боғлиқ. Таклиф этиладиган ичимликлар турига кўра рюмка ва бокалларнинг у ёки бу тури дастурхонга қўйилади. Дастурхонни безашда бир хил услубга амал қилишга ҳаракат қилинг: биллур буюмлар билан ёнма-ён сопол ёки чинни идишларни қўйманг. «Ташхозторг»нинг барча магазинларида гулдонлар, мевалар солинадиган идишлар, конфетдонлар, фужерлар, рангли стаканлар, рюмкалар бор.

«ТАШХОЗТОРГ».

*«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.*

# ТВ

**26 АПРЕЛЬ — СЕШАНБА**
**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

18.45 «Фан ва турмуш». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». Жинвал ГЭСи қурувчиларининг бригада пудрати усулида ишлаш тажрибаси ҳақида. 20.05 «Олчазор». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театри фильм-спектаклининг премьераси. А. П. Чеховнинг шу номли пьесаси асосида. 21.30 «Время». 22.05 «Олчазор». Фильм-спектаклнинг давоми. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 Қозоғистон ССР да хизмат кўрсатган артист Р. Римбаева куйлайди. Олмаотадан олиб кўрсатилади.

**Марказий телевидениенинг иккинчи программаси**

18.30 Янгиликлар. 18.45 Новосибирск академик опера ва балет театри артистларининг концерти. 19.10 «Бир тарсаки тарихи». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 19.45 «Ўртоқ Москва». Кўрсатув 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 Классик кураш бўйича Европа чемпионати. Венгрияда олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича ёшлар командалари ўртасида Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР — Португалия терма командалари. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.

**Ўзбекистон телевидениесининг программаси**

I

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Сўз кетидан сўз келар» (такрорий). 18.35 «Қуён магнитофон топиб олди». Кўғирчоқ фильм. 18.50 «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси» (рус.) 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Адабий альманах». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг солистлари Матлуба Дадабоева ва Маҳбуба Ҳасанова концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Ўзбекистон ССР Министрлар Совети соврини учун теннис бўйича халқаро ўсмирлар турнири. 22.35 «Ўлик мавсум». Бадиий фильм. 2-серия. 23.40 Янгиликлар.

**27 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА**
**Марказий телевидениенинг «Восток» программаси**

9.00 «Время». 9.40 А. П. Чехов. «Олчазор». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 12.15 «Саёҳатчилар клуби». 13.15 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Биринчи даражали ғамхўрлик». Телевизион ҳужжатли фильм. (Тошкент). 15.40 Москва шаҳар Ленин комсомоли номли автомобиль заводи Маданият саройи «Россияночка» фольклор ансамблининг концерти. 16.00 «Совет драматургиясида В. И. Ленин образи». М. Горький номли Ленинград академик катта драма театри «Такрор ва такрор ўқиб...» спектаклининг саҳифалари. 16.50 «Инсон нимага қодир». Мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг хизмат кўрсатган спорт мастери Ш. Карапетян билан учрашуви. 17.35 Д. Д. Шостакович номли Ленинград Давлат филармонияси симфоник оркестрининг концерти. 18.15 «Стадион ҳамма учун». 18.45 Карл Маркс. «Ўсмирнинг касб танлашдаги ўйлари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Швеция — СССР терма командалари. ГФРдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР — Португалия терма командалари. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг». 23.45 «Дунё воқеалари».

**Марказий телевидениенинг иккинчи программаси**

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ҳам меҳнат, ҳам илҳом». Одесса опера ва балет театри артистларининг концерти. Одессадан олиб кўрсатилади. 19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.00 «Инженер Прончатов». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

**Ўзбекистон телевидениесининг программаси**

I

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Шоирлар — болаларга». 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз—80-йиллар комсомоллари». 18.50 Тошкентнинг 2000 йиллигига Э. Воҳидов. «Палатқада ёзилган достон...». Адабий театр. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.40 «Халқ контроли экрани». 20.10 Афғонистоннинг миллий байрамига. «Дўстлик кўприги». Ҳужжатли фильм премьераси. («Узкинохроника»). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар У. Керменчикли ва Ф. Белялов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Сув ва ҳосил». 22.20 Ярослав Гашек туғилган куннинг 100 йиллигига. «Катта йўл». Бадиий фильм. 23.55 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилоти, йўл қурилиши факультети ва физика кафедраси коллективи доцент Д. Ф. Ориповага отаси

**Фотиҳ Орипович ОРИПОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП. Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-56-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —35-21-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-55-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

26 АПРЕЛЬ, 1983 й. Р— 10220. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690.